

## М.СОЛИХ: «КАРИМОВ КОНСТИТУЦИЯГА ГАРАНТ ЭМАС, КОНСТИТУЦИЯНИНГ БУЗИЛИШИГА ҲОМИЙЛИК ҚИЛДИ»

Бугун Ўзбекистоннинг жорий Конституцияси қабул қилинган кун. Бундан йигирма йил муқаддам қабул қилинган ушбу ҳужжат 6 бўлим, 26 боб, 128 модадан иборат. “Асосий Қомус” дея кўрсатилган Конституциянинг «мамлакат халқи манфаатлари учун хизмат» қилиши таъкидланади.

Ўзбекистон расмийларига кўра, Конституция мамлакат «мустақиллигининг муҳим ҳуқуқий асоси, тинч-осуда, фаровон ҳаётнинг мустаҳкам кафолати» ҳисобланади. Расмий матбуотда таъкидланишича, Ўзбекистон Конституцияси «халқчиллиги ва демократик табиати билан» бошқа ҳужжатлардан фарқ қилади.


Шунингдек, расмийларга кўра, Ўзбекистон президенти бошчилигида тузилган Конституцияда «миллийлик ва умуминсонийлик принципларига ҳам ниҳоятда назорат билан ёндашилган».

Аммо ўзбек мухолифати президенти Каримовнинг ўзини мамлакат Конституциясини давомли оёқ ости қилиб келаётганликда айблайди.

Хўш, мухолифатда бундай айбловлар учун қандай асослар бор? Бу ҳақда Ўзбекистон Халқ Хarakати раҳбари Муҳаммад Солиҳнинг Би-би-си радиосига берган суҳбатини келтирамиз:

**Муҳаммад Солиҳ:** Мухолифат режимга қарши бу айбловини авваламбор айбсиз қамоққа ташланган ва қийноққа солинаётган мингларча дунёвий ва диний мухолифлар билан исботлайди. Ҳолбуки, бу кишиларнинг тинч йўл билан ўз сиёсий қарашларини ва ҳатто норозликларини билдириш ҳуқуқлари Конституцияда ёзилган ва бу ҳуқуқлар топталгани учун ҳам улар қамоқларда азоб чекмоқда.

Иккинчидан, худди ўша қамоқларда ўзининг ҳур фикри учун азоб чекаётган жур-



налистлар, инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари ва бошқа диссидентлар ҳам йилларча азоб чекиб келмоқда, ҳолбуки, уларнинг ўз фикрини эркин ифода қилиш ҳуқуқи Конституцияда ёзилган.

Учинчидан, худди шу Конституцияда тадбиркорлар қатламининг ҳам эркин фаолият кўрсатиш ҳуқуқлари ёзилган, аммо бугун бу тадбиркорларнинг энг муваффақиятли фаолият кўрсатганлари ҳам «Жаслик» каби ўлим лагерларида қийноққа солинмоқда. «Рустамбанк» соҳибини мисол сифатида кўрсатиш мумкин.

Хуллас, қайси бир соҳани олманг, унда ҳуқуқлари топталмаган бирорта инсонни тополмайсиз, қонун мени ҳимоя қилди, қонун адолатли қарор чиқарди, деган бирор фуқарони кўрмайсиз Ўзбекистонда.

**Би-би-си:** Конституцияга мувофиқ, давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар, жумладан президент Каримов, жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Шу нуқтаи назардан олаанда, президент қандай хизматларни қилди, деб айтган бўлардингиз?

**М.Солиҳ:** Ўзбекистон президенти Конституциянинг гаранти бўлиш у ёқда турсин, аксинча, Конституциянинг бузилишига ҳомийлик қилди, Конституция-

ни бузганларни қонундан ҳимоя қилди. Конституцияга амал қилишни талаб қилганлар эса жиноятчиға чиқарилди, жазоланди. Адолат талаб қилган - бузғунчиға, ҳуқуқ талаб қилганлар ватан хониниға чиқарилди. Бу ҳақли талабларини митинг ёки бошқа оммавий акциялар шаклида ифода этишға интилганлар террористға чиқарилди. Мана, сизға Гарантининг қилганлари!

**Би-би-си:** Аммо мамлакатда, режим тарафдорлари айтмоқчи, тинчлик ҳукмрон, хавфсизлик таъминланган... Бу ютуқ эмасми?

**М.Солиҳ:** Бу тинчлик турма тинчлигидир, бу барқарорлик қабристон барқарорлигидир. Бу ташбеҳни мен 20 йил олдин айтгандим, афсуски, бу ташбеҳ ватанимиз учун бугун ҳам долзарб бўлиб қолмоқда.

**Би-би-си:** Ўзбекистон Республикасида ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас, дейилади Конституцияда. Аммо, Ўзбекистонда миллий мафкура борлиги айтилади. Сиз, мухолифат раҳбари сифатида, бу мафкурани қандай ифодалаган бўлардингиз? Умуман мафкураға ҳожат борми?

**М. Солиҳ:** Ўзбекистонда миллий мафкура йўқ, Ўзбекистонда диктатура мафкураси бор. Диктатура режимининг мафкураси эса, нима қилиб бўлса ҳам, ҳар қандай йўл билан ҳокимиятда қолиш мафкураси. Бугунги ҳукуматнинг мафкураси айнан шу ғояға қурилгандир. Ҳокимиятда қолиш учун мингларча инсонни йўқ қилиш лозим бўлса, Каримов ва унинг режими киприк қоқмасдан йўқ қилади. Буни Андижон қатлиоми курсатди. Бу мафкура аксилсонийдир, унинг умри ҳам қисқадир.

Жорий йилнинг 1 декабридан бошлаб, Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги мамлакат Конституцияси Кунига бағишланган машғулотлар ўткази бошлады. Бироқ олий зобитлар таркиби учун мўлжалланган дарсларда маърузачилар амалда Ўзбекистон Халқ Ҳаракати ва унинг раҳбари Муҳаммад Солиҳга қарши сиёсий тарғибот билан шуғулланмоқда.

Ҳарбий ўқув юртлари ва гарнизонларда ўтказиладиган маърузалар расман “8 декабрь – Ўзбекистон Конституцияси Кун”, деб номланади. Аммо машғулотларнинг режаси (тезисларига) назар ташланса, сиёсий дарсларнинг муҳолифатга қарши қаратилганини пайкаб олиш қийин эмас.

## ЎЗБЕКИСТОН МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ ТИЗИМИДА ЎХХГА ҚАРШИ СИЁСИЙ МАЪРУЗАЛАР



Теъдосларнинг илк икки банди Конституция кун ва Ўзбекистондаги конституцион тузумга бағишланган бўлса ҳам, қолган тўрт бандида тўлалигича ЎХХ ва Муҳаммад Солиҳ ҳақида сўз юритилади: “ЎХХ – мустақил Ўзбекистоннинг конституцион тузumi-га ва дунёвий ривожланишига таҳдид”, “ЎХХнинг хорижий дастаклари”, “ЎХХнинг кучишлатар тизимлардан кўмак қидиришга уринишлари”, “Муҳаммад Солиҳ – 1999 йил 16 февралдаги террористик портлашларнинг ташкилотчиси”.

Ўзбекистон Конституциясининг “бетақдорлиги” ва “тенгсизлиги” ҳамда “мамлакат раҳбарияти танлаган ривожланиш йўлининг тўғрилиги” ҳақидаги қиска ваъздан кейин маърузачилар дарров машғулотларнинг асосий мавзусига кўчмоқда. Мудофаа вазирлигидан келган маърузачилар муҳолифатга қарши қаратилган нутқларини: “Бироқ мамлакатимизнинг конституцион тузумини ағдарилдан манфаатдор бузгунчи сиёсий гуруҳлар ҳам бор. Улардан бири Ўзбекистон Халқ Ҳаракати бўлиб, унга ўзини Муҳаммад Солиҳ деб атайдиган террорчи ва сохта шоир Салай Мадаминов раҳбарлик қилади”, – деган сўзлардан бошламоқда.

Сўнгра улар “Ушбу Ҳаракат раҳбарияти Ўзбекистондан қочиб кетган ватангадо исломийлардан ва террорчилардан ташкил топган”лиги, “ЎХХ республика кучишлатар тизим-

ларидаги зобитларни ўзига оғдириш ниятида”лиги, “ЎХХ Ўзбекистонга душман ва ҳасад кайфиятидаги мамлакатлар тарафидан молияланаётган ташкилот”лиги ва ҳоказолар ҳақида оғиз кўпиртиришмоқда. Лекин мудофаа вазирлигидан хизмат сафарига юборилган агитаторлар айнан қайси мамлакатлар Ўзбекистонга душман ва ҳасад кайфиятида эканлиги ва “душман мамлакатлар”дан айнан қайсилари ЎХХга хомийлик қилаётганини аниқ айтишолмаяпти.

Маърузачилар фақат ЎХХ тарафидан Ўзбекистон кучишлатар тизимлари ходимларига қарата яқинда қилинган мурожаат ҳақида аниқ тўхталишмоқда. Маълумки, ушбу мурожаатда Ҳаракат

Ўзбекистонлик кучишлатар тизимлари ходимларини нафақага чиқиш арасида эҳтиёт бўлишга қақирганди. ЎХХнинг мазкур мурожаати ҳақида тўхталар экан, маърузачилар: “Бу мурожаат – ғирт ёлгон ва тухмаг бўлиб, ундан ЎХХнинг кўзлаган асосий мақсадлари мамлакатимиз раҳбариятига нисбатан ишонсизлик уйғотиш ва кучишлатар тизимларнинг шахсий таркибини руҳсизлантириш”, – дейишмоқда.

Ҳарбий тарғиботчилар ЎХХ лидери Муҳаммад Солиҳни ҳам аллақачон қолип бўлиб қолган иборалар билан таърифлаб, ҳозирги Ўзбекистондаги барча камчиликларда айблашмоқда. “ЎХХ ҳам, Муҳаммад Солиҳ ҳам халқимиз ва ҳарбийларимиз орасида кўмакчи топа олишмайди!” – дея бонг урагуриб, маърузачилар тингловчиларни: “Сиёсий нуқтаи назардан шундай маъсулиятли пайтда олий зобитлар таркибининг сиёсий онгини ўстиришга, ЎХХ каби бузгунчи гуруҳларнинг ёвуз ниятлари ҳақида зобитларнинг хабардорлигига яна-да кўпроқ эътибор қаратишимиз зарур!” – деб, огоҳлантиришмоқда.

ЎХХга қарши ташкиллаштирилган сиёсий маърузалар Чирчиқ ва Жиззахдаги ҳарбий ўқув юртларида ҳамда Ўзбекистоннинг вилоят марказларида жойлашган гарнизонларда ўтказилди. Мудофаа вазирлиги томонидан тасдиқланган режага кўра, бундай тарғибот машғулотлари шу йилнинг 8 декабригача – Конституция Кунигача ўтказилиши кўзда тутилган.

Афтидан, Ўзбекистон ҳукумати ЎХХни йирик сиёсий куч ҳисоблаб, бу гуруҳ Ислом Каримовнинг сиёсий ҳокимиятни Гулнора Каримовага мерос қолдириш режаларига ҳалақит қилишга қодир, дея хавотирга тушган кўринади. Мудофаа вазирлиги тизимидаги зобитларга қаратилган кенгкамровли контртарғибот кампаниясининг ташкил қилинганлигига бошқача изоҳ бериш қийин.

ЎХХ Ахборот маркази

## ЎЗБЕКИСТОНДА ЎХХ ШАМОЛИ ЭСМОҚДА



ЎХХ тузилгандан бери диктатор Каримов малайлари Ҳаракатимизни обрўсизлантириш учун мамлакат ичкарисида

ва хорижда бизга қарши қоралаш компаниясини бошлатиб юборгани жамоатчиликка яхши маълум. Қизиғи шундаки, ҳукумат бундай компанияни фақатгина ЎХХ га қарши олиб бормоқда.

Олинаётган хабарларга кўра, Ўзбекистонда давлат идоралари, куч ишлатар тизимлар ва сайтимизда хабар берилгани каби Мудофаа вазирлиги ходимларига ЎХХни ёмонлаш компанияси энди очиқ шаклда ўтказилмоқда экан. ([uzxalqharakati.com/archives/14781](http://uzxalqharakati.com/archives/14781))

Хўш, бундай вазиятда инсонларимиз нима қилишлари керак? Агар улар ишлаётган жойларда ёки ўқиётган даргоҳларда ЎХХ қарши ҳукумат одамлари пропаганда ишларини олиб боришса, бу ҳукумат малайларига ЎХХ ҳақида кўпроқ саволлар бериш мақсадга мувофиқдир. Ана шунда ёлгончи ташвиқотчилар ўзлари билмаган ҳолда ҳаракатимиз ҳақида ҳақиқатларни ҳам айтиб қўйишлари мумкин. Шуниндек, бундай ташвиқотлар тугагандан кейин ҳамқасблар ва талабалар биргаликда Ўзбекистондаги сиёсий вазият ва нима учун Каримов ҳукумати ЎХХ га қарши очиқча ғоявий курашни бошлаганини муҳокама қилишлари ҳам мақсадга мувофиқдир.

Бу ўз ўрнида инсонларимизнинг сиёсий савиясининг кўтарилишига сабаб бўлади.

ЎХХ ҳаракати Каримов диктатураси ўрнига эркинлик ва адолатга асосланган янги фуқаровий жамият қуриш тарафдоридир. Бу курашда ҳаракатимизнинг ғоя ва мақсадларини ташвиқот қилиш билан бирга инсонларимизнинг ҳаракатимизга қўшилишлари, аста секинлик билан ва кичкина кичкина гуруҳлар ҳолида турли шаклларда (маош ортиришини, газ, электр таъминоти ва ҳқ) ҳокимиятга ўз норозиликларини намойиш қилишлари зарурдир. ЎХХ мақсади халқимизни мана шу шаклда Каримов диктатурасига қарши ҳаракатга кечиришдир. Ҳукуматнинг ЎХХ радикал, террорчи ташкилот қабиладаги “ташвиқотларининг” барчаси ёлгондир. Биз халқимизнинг Каримов диктатурасидан қутулишини истаимиз ва шу йўлда фаолият олиб бормоқдамиз.

ЎХХ Ахборот Маркази

## АХБОРОТ ЗУЛМИНИ ЎРНАТГАН КОНСТИТУЦИЯ

Тараққиётнинг сўз ва эътиқодда озод, кўркув ва муҳтожликдан озод ҳолатини яқинлаштириш, уни ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаро учун ҳаётий борлиққа айлантириш давлат ҳокимиятининг энг масъулиятли бурчидир. Ушбу тамойил тараққийпарвар давлатларда идора тизимига пойдевор сифатида тобора мустаҳкам ўрнашиб бормоқда. Унинг қонулар руҳи ва ҳарфида акс этилишидаги тўлалик давлатлараро муносабатларда ишонч омилига айланмоқда.

Ана шу нуктаи назардан қараб, Ўзбекистон Конституциясининг 29-моддаси руҳи ва ҳарфи қирраларини, пойдеворида ётган ҳақиқат тимсолининг жиҳатларини илғаб олиш фойдадан ҳоли бўлмас.

Конституциянинг иккинчи бўлими «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» деб номланган. Бу бўлимнинг «Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар» бобидаги 29-модда сўз ва эътиқод эркинлигига бағишланган. Унда таъкидланадики:

«Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир.

Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин».

Модданинг тўла матнини келтирдик. Кўриниб турибдики, унинг қоидалари моҳиятини илғаб олиш, руҳини аниқлаш анча мураккаб вазиладир. Туб муддао шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар яратишми ёки уларга барҳам бериш эканини фарқлаб олиш осон эмас. Пойдевор ҳақиқат тимсоли пухтагина яширинган.

Матндаги шахсий ҳуқуқ ва эркинликларни санаб ўтайлик. Улар қуйидагилардан иборат: 1) фикрлаш эркинлиги ҳуқуқи; 2) сўз эркинлиги ҳуқуқи; 3) эътиқод эркинлиги ҳуқуқи; 4) фикр юритиш эркинлиги ҳуқуқи; 5) фикрни ифодалаш эркинлиги ҳуқуқи; 6) ахборот излаш эркинлиги ҳуқуқи; 7) ахборот олиш эркинлиги ҳуқуқи; 8) ахборот тарқатиш эркинлиги ҳуқуқи.

«Фикрлаш» билан «фикр юритиш» орасидаги фарқдан қатъий назар, саналиб ўтилган ҳуқуқларни ўз халқи учун яратишга давлат ҳокимияти бурчлидир. Давлат ҳокимиятига бунинг учун лозим бўлган салоҳият ва ҳуқуқлар берилган бўлиши муқаррардир.

Матнда давлат ҳокимиятига тегишли ҳуқуқларга ҳам ўрин берилган. Фақат улар шахсий ҳуқуқлар каби очик эмас, балки яширин равишда ифодаланган. Лекин уларнинг, давлат ҳокимиятига берилган ҳуқуқларнинг, шахсий ҳуқуқларни яратишга эмас, аксинча, уларни йўқ қилишга қаратилганини инкор қилиб бўлмайди.

Давлат ҳокимиятига берилган

ҳуқуқларни санаб ўтайлик. Уларнинг тўла бўлмаган рўйхати қуйидагича: 1) амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборотни излаш эркинлигини йўқ қилиш ҳуқуқи; 2) амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборотни олиш эркинлигини йўқ қилиш ҳуқуқи; 3) амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборотни тарқатиш эркинлигини йўқ қилиш ҳуқуқи; 4) бошқа ахборотни излаш эркинлигини йўқ қилиш ҳуқуқи; 5) бошқа ахборотни олиш эркинлигини йўқ қилиш ҳуқуқи; 6) бошқа ахборотни тарқатиш эркинлигини йўқ қилиш ҳуқуқи; 7) давлат сирига тааллуқли фикр юритиш эркинлигини йўқ қилиш ҳуқуқи; 8) давлат сирига тааллуқли фикрни ифодалаш эркинлигини йўқ қилиш ҳуқуқи; 9) бошқа сирларга тааллуқли фикр юритиш эркинлигини йўқ қилиш ҳуқуқи; 10) бошқа сирларга тааллуқли фикрни ифодалаш эркинлигини йўқ қилиш ҳуқуқи; 11) ечим, ажрим ва ҳукмда исботсизлик ҳуқуқи; 12) танқидий сўз эркинлигини йўқ қилиш ҳуқуқи; 13) танқидий фикрлаш эркинлигини йўқ қилиш ҳуқуқи; 14) муҳолиф эътиқодга эга бўлиш эркинлигини йўқ қилиш ҳуқуқи; 15) ўз эътиқодида собит бўлиш эркинлигини йўқ қилиш ҳуқуқи; 16) муҳолиф фикрни ифодалаш эркинлигини йўқ қилиш ҳуқуқи; 17) ҳақиқатни излаш эркинлигини йўқ қилиш ҳуқуқи; 18) ҳақиқатни олиш эркинлигини йўқ қилиш ҳуқуқи; 19) ҳақиқатни тарқатиш эркинлигини йўқ қилиш ҳуқуқи; 20) ёлғонни рағбатлантириш эркинлиги ҳуқуқи; 21) эътироз изҳор этиш эркинлигини йўқ қилиш ҳуқуқи; 22) цензура ўрнатиш ҳуқуқи.

Бу ҳуқуқларнинг дастлабки ўнтаси шахсий ҳуқуқларга мустасно сифатидаги қўшимчалардан мевосита келиб чиқади. Қолганлари эса асосан матндаги тушунчаларнинг ҳуқуқий жиҳатдан мавҳумлиги билан яратилган.

Тушунчаларнинг кўзда тутилган моҳияти изоҳланмаган. Уларга ҳар ким ўзича маъно беради. Асл моҳиятга қонун кучи берилмаган. Моҳият мавҳумлиги мавжуд. Кучнинг ҳақиқатдан устуворлик қилишига эътибор яратилган. Бу ҳол ҳақиқатнинг қадрсизланишига олиб келиши турган гап.

Давлат ҳокимиятига қўшимча ҳуқуқлар берадиган «амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот» дейилган мавҳум тушунча устида бироз тўхтаб ўтайлик. Тушунчада конституциявий ҳимояга муҳтож қандайдир «тузум» тўғрисида сўз кетаётгани аниқ. У «ахборот» хавфидан ҳимоя қилинаётгани ҳам аниқ. Яъники, сўз хавфидан. Оғзаки ва ёзма сўз хавфидан. Умуман сўз хавфидан қандайдир «тузум» муҳофаза қилинаёпти.

Сўзнинг кўплаб жиҳатларидан фақат «амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган» дейилган жиҳати олинган. Фақат ўша жиҳатгагина кон-

ституциявий аҳамият берилган. Сўзнинг ҳақиқатга муносабати ҳам, гўёки, муҳим эмас, муҳими унинг «тузум»га муносабати. Ушбу ўта муҳим муносабат эса «қарши қаратилган» дейилган ўлчамсиз жиҳат билан баҳоланган. «Конституциявий тузум» деб аталган аниқ бир идора тизимига «амалдаги» дейилган сифат бериш билан сўз эркинлигига бутунлай барҳам берилган деса бўлади. Аниқ сўз доимо мавҳумликка қарши қаратилгандир.

Илгарилари «конституциявий тузум»нинг «социалистик» дейилгани сўздан ҳимоя қилинарди. Чунки «конституциявий тузум» нинг ушбу жиҳати ёлғон сўзга, ёлғон ғояга асосланган. Шу туфайли ҳам у ҳақ сўздан доимий ҳимояга муҳтож. «Социалистик» дейилган сифат берилса демократия ҳам ана шу аҳволга тушади. «Социалистик демократия» яратган «ўзгаўйлилар ови» ҳали унутарлик даражада эскирган эмас.

«Конституциявий тузум» нинг «амалдаги»си худди «социалистик»нинг ўзи десак ҳато бўлар, эҳтимол. Лекин, «амалдаги» дейилган жиҳат давлат ҳокимиятининг ўзгаўйлиларга муносабатини кўрсатиши аниқ. Мазкур жиҳат «кейингиси» ёки «амал қилмаётгани» ҳам «конституциявий» бўлишига шубҳа туғдириш учун ёзилмаган бўлса керак. Моҳиятан у жиҳатнинг мафкуравий экани аниқ. Ахборотдан ҳимояга муҳтожлиги шундан далолат беради. Ва бу етарли далилдир. Лекин, Конституция муаллифларининг қалбида ўрнашган мафкуранинг ўзи очик айтилмагани ва унинг сўздан, ҳақиқатдан ҳимояга муҳтожлиги, давлат ҳокимиятининг бу мафкурага садоқати заиф эканини кўрсатиб турибди.

Ахборотнинг эркин муомаладан Конституция талабларига биноан чиқариб ташланадиган қисми фақатгина «амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот» дан иборат эмас. Давлат ҳокимиятига унинг «бошқа»ларини ҳам эркин муомаладан доимий равишда чиқариб туриш ҳуқуқи берилган.

Эркин муомаладан чиқариб ташланишга маҳкум этилган фикрлар ҳам бор. «Давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли» фикрлар тақдири давлат ҳокимияти қўлида. Улар эркин ҳаракатдан тўхтатилиши мумкин. Чунки матнда «фикр юритиш эркинлиги чекланиши мумкин» дейилган. Бу қоида давлат ҳокимиятига кенг ҳуқуқлар яратиб беради, албатта. Фикрларнинг эркин юришига қатъиятга тўсик бўла олади. Фикрнинг бирон-бир «сир»га тааллуқли бўлиб чиқмаслигига ким ҳам кафолат бера оларди. Лекин, янги фикр туғилиши, ривожланиши ва камол топиши учун мавжуд фикрлар муомалада, ҳаракатда бўлиб туриши шарт-ку. Ахир, шундагина фикрнинг тўғриси қалбларга сингиб, эътиқодга айланиши, нотўғриси эса ўз-ўзидан ҳаракатдан қолиб, унутилиб кетиши неча-неча бор синалган ҳақиқат экани Конституция муаллифларига ҳам аён-ку.

(Давоми кейинги саҳифада)

## АХБОРОТ ЗУЛМИНИ ЎРНАТГАН КОНСТИТУЦИЯ

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Шахсий ҳуқуқ ва эркинликларга тўсиқлар бўлиши ҳар бир жамият учун табиий бир ҳол. Давлат ҳокимиятининг ўз халқи олдидаги бурчи ана шу тўсиқларга барҳам бериш ҳамдир. Конституция эса бу вазифани амалга оширишда асосий қурол бўлиб хизмат қилиши керак. Аммо, унинг 29-моддаси мисолида кўрдикки, Конституция давлат ҳокимиятининг ўзини асосий тўсиқ даражасига кўтариб берган. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар яратишга эмас, аксинча уларга тўсиқ яратишга хизмат қилади. Бу ҳол жамиятни сўз ва эътиқодда озодлик ҳолатига яқинлаштириш ўрнига уни бу ҳолатдан яна ҳам узоклаштиради.

Ҳар қандай қонуннинг ҳаётийлик мезони амалиётдир. Сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқидан фуқароларнинг қай даражада фойдаланаётгани, 29-модда коидаларига қай даражада амал қилинаётгани ҳусусидаги ахборотнинг ҳам эркин муомалада бўлмагани тўлатўқис ва ишончли мулоҳаза юритишни кийинлаштиради.

Ўзбекистонда истикомат қилаётган кишилар ҳаётида инсон ҳуқуқлари тутган ўринга сиёсий баҳо бериш учун бу масалага «Эрк» партияси муносабатини четлаб ўтиб бўлмайди. 1995 йилнинг 23 декабрида қабул қилинган партиявий ҳужжатда сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига амал қилиниши ҳолатини «ахборот зулми» деб баҳоланади. «Ўзбекистон давлат ҳокимиятига унинг ўз халқига ўтказаятган ахборот зулми муносабатли «Эрк» партиясининг раддияси» деб номланган бу ҳужжатнинг матнини келтирамиз:

*«Давлат ҳокимияти фаолиятида ҳақиқат қадрсизланиб, ёлгон ҳукмдорлиги кучайиши давом этаётгани туфайли халқ бошига келиши эҳтимол бўлган бало-офатлар тасаввурдан ташиви билдириб, халқнинг турли эътиқоддаги бўлақчалари устидан ёлгонга таяниб ўтказилаётган зулм демократиянинг умумжаҳон эътирофини қозонган тимсолига бегона эканидан келиб чиқиб, давлат ҳокимияти ўзига муҳолиф бўлган сиёсийлашган гуруҳлар намояндалари устидан уюштирган исботсизлик руҳидаги буюртма судлов жараёнларидан биронтаси қонуний тартибга тўла риоя қилган ҳолда ўтмагани туфайли судланганлар барчаси зулмнинг аксилконституциявий ноҳақлик шакли қурбони бўлган айбсизлар эканига ишонч билдириб, халқнинг кўпминглик ҳақиқатпараст намояндаларини ўзида уюштирган бир бўлақчаси сифатида «Эрк» партияси фақат ҳақиқатга садоқат туйғусидан маҳрум ёлгонпарастлар учунгина хавф тугдиришини таъкидлаб, ўзининг номи-*

*га ёки Ўзбекистон халқига ёки ўзининг ҳақиқатга садоқат туйғусига таянган мафқурасига иснод келтирадиган бирон-бир амал қилмагани ҳолда «Эрк» партияси сайловлардан четлатиб, фаолияти тўхтатиб қўйилгани, мулкитортиб олингани, аъзолари қариндош-уруғларигача қувгин-таъқиб қилинаётгани давлат ҳокимиятининг ўз халқига муносабатидagi зулми кўрсатувчи кўрсаткичлардан эканини уқиб, норозилик ва раддия билдириши эркинлиги ҳуқуқларининг барчасидан ўз фуқароларини маҳрум қилиб қўйган давлат ҳокимияти мазкур раддия муносабатли ҳам қатагон уюштириши эҳтимолини англаган ҳолда, «Эрк» Демократик Партияси ўзининг марказий раҳбар органи сиймосида маълум қиладики, оммавий ахборот воситаларининг барчаси устидан ўз яккахокимлиги ва цензурасини ўрнатиши билан, халқни идора қилиши тизими органларининг барчасида ўзига муҳолифатсизлик яратиши билан, сўз эркинлиги ҳуқуқларининг барчасидан ўз фуқароларини маҳрум қилиб қўйиши билан, «Эрк» партияси қадр-қиммати ва ҳуқуқларини камситишига қаратилган қора тамгалар тўқишига мусобақа руҳини бериши билан, ҳақиқатпараст инсонлар шаъни ва обрўсига «сотқин», «ватанфурӯш», «ватан хоини», «мустақиллик душмани», «шуҳратпараст» каби ноҳақ айблар қўйиб тажовуз қилишини рағбатлантириши билан, ёлгонпарастлик аломатлари ва оқибатларини яққол қиладиган далилларни оммага етказишини таққилаб қўйиши билан, демократиянинг ҳақиқатдан йироқ бузуқ тимсолини бирёқлама тарғиб-ташвиқот қилишини уюштириши билан, аҳолининг ахборот рақционини қашшоқ ва эҳтиёжлар тизими тузилмасидан йироқ аҳволга келтириши билан, ўз халқига ўтказаятган ахборот зулми муносабатли давлат ҳокимиятига норозилик ва раддия билдиради, уни бундай зулмкорликдан тийинишига, қарамсиз ҳаёт йўлининг тараққиёт йўналишига қараб юз тутишига, унинг таназзул йўналишидан қайтишига чақиради ва бу икки йўналишини фарқлаб берадиган мезон давлат ҳокимиятига бегона эмаслигига умид қилади».*

Мазкур партиявий ҳужжатни «Эрк» марказий раҳбар органи имзолаган. Унинг тўлиқ матни 1995-йилда «Озодлик» радиосида ўқиб эшиттирилган. Ахборот эркинлиги ўрнига ахборот зулмини ўрнатган давлат ҳокимияти тасаввурдаги ҳақиқатнинг ҳар қандай тимсоли пойдеворида бош ҳақиқат ётган бўлиши эҳтимолдан йироқдир. Пойдеворнинг бош ёлгон бўлиб чиқиши, ёлгон диктатурасининг авж олиши эҳтимолга яқинроқдир.

**Отаназар Ориф**



## АМАЛСИЗ КОНСТИТУЦИЯНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ ЁКИ УНУТИЛГАН ФУҚАРОЛАР

3 декабр душанба кун эрталаб соат 8да Узтелерадиокомпаниянинг «Ўзбекистон» телеканали «Ахборот» ўрнига одатга кўра, кечаги «Таҳлилнома»ни тақрор эфирга узатди. «Таҳлилнома» Ўзбекистон Конституциянинг 20 йиллигини нишонлашга бағишланган бўлиб, унда Ўзбекистон билан Европа ҳамжамияти ҳамкорлиги мустақамланиб бораётганлиги қайд этилди ва қатор ютуқларга ўрин берилди. Жумладан, Қонуннинг ишсизликдан ҳимояланиш моддасига мувофиқ, Президентимиз ташаббуси билан тадбиркорлик ва бизнесга кенг йўл очилганлиги ва Ватанимизнинг кундан-кунга гуллаб яшнаётгани қайд этилди.

Аждодларимиз билан қанча фахрлансак, дер эди кўтаринкилик билан суҳандон, амалга оширилаётган ишларимиз билан ҳам шунчалик фархланамиз. Президентимиз ташаббуси билан Тошкент-Самарқанд қатнаётган «Афросиё» тезюрар поездини ўзбек йигити бошқариб бормоқда, дерди «ўзбек йигити»га урғу бериб. Ҳаммининг кайфияти аъло, йўловчилар қулайликлардан хурсанд...

Худди отарчилар «қистир-қистир» билан чўнтақларини қаппайтиргани каби муҳбиримиз ҳам «ўзбек журналистикаси қондасига» кўра, одатдагидек қаҳрамонларидан ташаббускор Президентимиз номига миннатдорлик ва раҳматлар «ундириб» ахборотини қаппайтирди. Қизик, оламда халқлар ойма, юлдузга учиб, ҳайратомуз фан ва техника янгилликлари яратилаётган бир даврда ўзбек йигити кимдир ясаган тайёр машинани бошқара олмасинми?

Юртимиз катта байрам оғушида, деб «жаннатдан хабарлар»ни ўқирди суҳандон. Экранда қар байрамлар арафасида кўриниб қоладиган «Тасвирий ойна» ижодий гуруҳи пайдо бўлди. Улар берган интервьюга кўра, ижодий гуруҳ аъзоларининг истаги, ўз ижодий асарлари билан халқимизни қувонтириши экан.

Ўлмаган кўнгилга бу ҳам бир таскин, дегандек халқимизни сувратларда бўлса ҳам қувонтиришни истайдиган ижодий гуруҳга омад тилаб, кўрсатувнинг давомини кузатамиз.

(Давоми кейинги саҳифада)

## АМАЛСИЗ КОНСТИТУЦИЯНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ ЁКИ УНУТИЛГАН ФУҚАРОЛАР

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

3 декабр яна бир байрам – Ногиронларни ҳимоя қилиш куни. Амир Темур бобомиз “Аҳли эҳсон билан жаҳон гулшани обод бўлади”, деганларидек деб “Меҳр нури” ННТ ва Ўзбекистон Ногиронлар жамияти, Тошкент шаҳар “Меҳрибонлик” жамиятлари фаолиятларидан лавҳалар кўрсатилди.

2012 йилда ногиронларга касб-хунар ўргатиш ва ишга жойлашдаги ажойиб ютуқларга ўрин берилди. Имкониятлари чекланган инсонларни ҳимоя қилиш мамлакатимизда амалга оширилаётган олий кадрятли ишлардан эканлиги урғунланди.

Эндиги навбат мамлакатимизда тинч-тотув яшаётган 130 дан ортиқ миллат ва элатларнинг турмуш тарзига доир лавҳаларга. Ўтган асрнинг 30 йилларида мамлакатимизга кўчирилиб келинган корейс диаспорасига ҳам 75 йил тўлибди. Ўзбекистонни Ватан деб билган турли миллатлар бағри кенг Ўзбекистонга ва ўзбек халқига ва

унинг доно раҳбари шаънига орада бир соз, бир суҳбат билан тилакларини изҳор қилишди. “Ўзбекистон умумий уйимиз”, Тошкент Биродарлик, Тинчлик, Дўстлик шаҳри эканлиги яна бир бор эътироф этилди.

Биз ким бўлишимиздан қатъий назар, оддий ишчимиз, тадбирқорми, шу юрт фуқароларимиз. Бу “Таҳлилнома” кўрсатуви эди, деб сўзини яқунлади суҳандон ва шу билан Ахборот таҳририяти ўз вазифасини шараф билан адо этди.

Мулоҳаза: тиригида ўйламаган ўлигида ҳам йўқламас

Юқорида тилга олинмагандан маълум бўлдики, ишсизликдан ҳимояланиш ҳақидаги 37-модда – Ўзбекистондаги барча катта йўл бўйлари, бозорлар атрофида тўп-тўп иш истаб турувчи юзлаб, минглаб мардикорлар, (хотинкорлар) ва норасмий ҳисобларга кўра, чет элларда ўз кучини арзон-гаров сотиб, хорлик ва кулликда ҳаёт кечираётган 10 млн. дан зиёд ўзбекистонлик гастербайтерлар тақдирига алоқаси йўқ!

Ўтган 2011 йилда Россия ва

Қозоғистондан Ўзбекистон туманларидан баъзиларига 10-15, баъзиларига 20 тадан тобут келган ва бу ҳол ҳозирда ҳам давом этмоқда. Бу рақамларни Республикадаги туманлар сонига кўпайтирганда, бир йилда ўртача 30 минг атрофида ўзбекистонлик йигитлар мусофирликда, хорлик-зорликда ҳаётдан кўз юммоқдалар. Уларнинг сони, балки 25 мингдир, 40 мингдир... аниғини ким ҳисоблайди? Тиригида ҳимоя қилмаган ҳукумат масъуллари ўлганида йўқлайдимми?

Конституциямизнинг 22-моддасида “Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудидида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга хомийлик кўрсатишни кафолатлайди”, деб кўрсатилгани ҳолда бу мисли кўрилмаган фожеага Ўзбекистон ҳукуматининг пинак бузмаётганлигини қандай тушуниш керак?

**20 йилдан бери амал қилинмаган бу моддага қачон амал қилади?**

Бу Конституциямизнинг 20 йиллиги байрами олдида бошқа кўнгилочар кўрсатувларга ўхшаб кетадиган “Таҳлилнома” (ижтимоий-сиёсий) кўрсатуvidан кейинги мулоҳазалар эди.

**Абдиқодир КАРИМОВ.**

Мустақил Тожикистон Республикасида 1992 йил фуқаролар уруши бўлиб ўтган эди. Шу урушдан талофат қўрган ўзбек ва тожик фуқаролар бошпана излаб, Ўзбекистон Республикасига келгандилар. Ҳозирги кунда уларнинг асосий қисми, Сурхондарё вилоятининг Сариосиё, Узун, Денов, Олтинсой, Қумқўрғон туманларида истикомат қилиб келмоқдалар...

Мен Сурхондарё вилояти Узун туманида туғилганимдан кейин, ота-онам менинг “тувоҳнома” мни расмийлаштириш учун, туман ФХДЁ бўлимидан “Ўзбекистон Республикасининг Сурхондарё вилояти Узун тумани, “Мустақиллик” маҳалласида туғилган...” деган мазмунда ҳужжат олишганлар... Орадан 16 йил ўтгандан сўнг, менга “Ўзбекистон Республика-

ўша жойда тезда муҳокама қилиб, менга ИИБнинг тегишли хатини олиб келасан” деб қаттиқ топширик берди. Туман ИИБнинг ходимлари менинг қўлимдаги паспортимни тортиб олишдилар. Мен уларга нега бундай қилмоқдасизлар? десам, “сенинг ота-онанг, Тожикистон Республикасининг фуқаролари. Ўша учун сен ҳам тожик миллатига мансуб бўлганнинг учун, Ўзбекистон Республикасининг паспортини олиб қўйдик...” дейишди.

Шундан сўнг, мен туманлараро судга мурожаат қилдим. Суд “фуқаро Алишер Маҳкамов Қаландарович, Ўзбекистон фуқаролигидан маҳрум қилинсин ва унга тегишли бўлган, “Ўзбекистон Республикаси Фуқаро Паспорти Сурхондарё вилояти Узун тумани ИИБда сақлансин” деган мазмунда қарор чиқарди. Менинг қўлимга эса, “тожик” миллати деган қизил рангдаги “вақтинчалик паспорт”ни тутқаздилар-да, “тўрт тарафинг қибла” деб суд залидан чиқариб юборишди.

Мен Ўзбекистон Республикасининг Ички Ишлар Вазирлигига шикоят аризалар билан бир неча марта мурожаат қилдим. Натижа бўлмади...

Менинг ичимни кўпдан буён тирнаб келаётган бир савол доим қийнайди. “Мен ўзи қайси миллатнинг фарзандиман???” дейди биз билан суҳбатлашган мардикор йигит Алишер Маҳкамов.

Биз у кишига, Сиз Аллоҳнинг бандасиз, Одам ато ва Момо Ҳаввонинг фарзандисиз! Иброҳим Ҳалилуллоҳ миллатидансиз! Муҳаммад (с.а.в) нинг умматидансиз!!!” деб айта олди холос...

**Фахриддин Тиллаев**

“Эрк” партияси МК аъзоси.

## МАРДИКОР ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОЛИГИДАН МАҲРУМ ЭТИЛДИ

Тожикистон Республикасида бўлиб ўтган фуқаролар урушига ҳам 22 йилча бўлиб қолди шекилли. Кечагина туғилган бола эса, бугун 22 баҳорни қарши олмақда. Аммо... Лекин...

Уларни бугунги кунда қийнаётган битта масала бор. У ҳам бўлса, “тожик” ёки “ўзбек” миллатларининг фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжатдир. Икки давлатнинг юртбошлари эса, ҳалиям бир тўхтама келган эмаслар. Бу масала ҳамон муаммолигича қолиб кетмоқда...

Куни-кеча, Тошкент шаҳри, “Қуйлуқ” массивида иш излаб келган барваста келишган, тоғни уриб талқон қиладиган азамат йигит келиб биз билан учрашди. У киши Сурхондарё вилоятининг Узун тумани “Мустақиллик” маҳалласида яшовчи фуқаро Алишер Қаландарович Маҳкамов экан. Бизга у қўйидагиларни сўзлаб берди:

“Мен 1994 йил 1 сентябрь куни Сурхондарё вилоятининг Узун туманида туғилганман. Менинг ота-онам Тожикистон Республикасининг “Регар” шаҳридан 1992 йили уруш вақтида Ўзбекистонга қочиб ўтганлар...

си Фуқаро Паспорти” берилди. Мен ниҳоятда хурсанд эдим. Бирок... Бу хурсандчилик кўпга чўзилмади. Мен ўйлаганларимнинг ҳаммаси сароб бўлиб чиқди. Кейин, тушуним етсам, бу ўзбек фуқаролиги қуруқ орзу-истакдан иборат экан...

2010 йил Москва шаҳрига «гастрабайтер» бўлиб ишга бордим. Ўша ерда бир йил ишладим. Россиянинг “полиция”си мени кўчада тутиб олишди-да, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик паспортининг орқасига, «депорт» деган муҳри босиб, поездга миндириб юбордилар. Мен шу билан 5 йил давомида Россияга киришдан маҳрум этилдим...

Мен шундан сўнг, паспортимни янгиламоқчи бўлдим. Аммо паспорт олиш учун, менга “Мустақиллик” маҳалламиздан “Маълумотнома” керак экан. Мен маҳалламизга борсам, маҳалла раиси менинг паспортимдаги Россия давлатининг “тавқи лаънат” муҳрини кўришиб, “справка” беришдан бош тортиди. Шундан кейин, маҳалламиз раиси “маҳалла посбони”ни чақириб олиб, “туман ИИБга олиб борасан-да,

Аллоҳ, инсонни Ўзи яратган мавжудотларининг ичида энг афзали қилиб яратди. Яратган Аллоҳ одамларни жуфт бўлиб қовушиб яшашни фарз қилди. Эркак ва аёл қовушиб яшаши учун никоҳдан ўтишлик ҳам фарз бўлди. Никоҳ орқали, оила барпо бўлади. Оила, жамиятнинг асосий ячейкаси. Ота оилага маъсул ва унга бошлиқ. Ҳалол меҳнат билан даромад топиб ва оилага сарф қилиши отанинг бурчидир. Оилалар, замонага қараб аймоқ, қабила, қавм ва давлат шаклларида бирлашиб яшаганлар. Давлат эса оилани ва унинг аъзоларини ташқи душмандан ва ички тенгсизликлардан ҳимоя қилиши керак бўлган. Бу айтилганларнинг барчаси, Ислом удумларига асосланган оила ва жамият қоидаларидир.

иш топиш истиқболи борми? Ётоқхона ва доимий ишчи ўринларини барпо қилиш учун ким бош қотириши керак? Ёшларнинг масжидга бориб намоз ўқиши муаммо бўлиб турган мамлакатда, оиланинг муқаддаслигини ким уларга тушунтироқчи? Ёшлар, қадриятларимизни ҳис қилиб, иймон эътиқодга қачон ўрганади?

Иймонли, эътиқодли инсонларгина, оиланинг ҳақиқий маъносига тушуна оладилар. Раҳбарларнинг, давлат ишларига ноқобиллигини яширишга ҳаракатланган, режимнинг мумкин қадар узоқ сақланишини кўзлаган давлат мафқураси бугун, режимнинг ўзи учун ҳам яроқсиз бўлиб қолаёпти.

“Оилам учун, бола чақам учун яшайман”, дейди ҳар бир ўзбек.



## ОИЛА ВА ДАВЛАТ

Ислом қадриятлари бузилган оилада ва жамиятда, албатта инқироз содир бўлаверди. Никоҳсиз қовушаётган оилада, ўзаро ҳурмат оз бўлади. Оилавий уруш-жанжал кўп бўлади. Ҳатто эркакнинг аёлга ёки аёлнинг эркакка хиёлати оддий тусга айланиши мумкин. Эркак ва аёл орасида сотқинлик аломатлари кўп бўлган жамиятда, ривож сусаяди. Бунга, бугунги Европа мисолдир. Айш-ишратга берилган ҳар бир инсон, жамиятда ўз ўрнини йўқотади.

Жамиятимизда, бугунги кунда, янги қурилган оилалар орасидаги ажрим, қовушганлар сонининг 50%дан ошади. Мамлакат расмийлари, бунинг сабабини ҳам айтаяптилар. Яъни, ота-оналар балоғат ёшига етмаган фарзандларини турмуш кўрдирар эмиш. Мамлакат идеологларининг айтишига қараганда, ёшлар оила мазмунига тушунмасдан, ва оилани таъминлай олмасдан ажрашишга мажбур бўлар экан. Кўринишдан тўғрига ўхшаган бу сабаб, аслида режимнинг навбатдаги найрангидир.

Тошкентимизни республикада, иш топилиши мумкин бўлган ягона шаҳар десак бўлади. Вилоятлардан келган мингларча мардикорлар, ҳар куни, Тошкентнинг олти бозорида иш топиш илинжида талпинадилар. Қанчадан-қанча студентлар Тошкентда таълим оладилар.

Бу ёшлар оилала бўлсалар, келин-куёвларнинг бирга яшаш учун вақтинчалик ётоқхоналар борми? Ёшларда, оиласини боқиш учун, доимий

Ўзбекчилик билан, оиласи учун тер тўқади. Ҳар ишга қўл уради. Азоб чекади. Оилани боқишга ва бошқаришга ҳаракат қилади.

Айниқса бугунги кунда жамиятимизнинг айрим қатлами вакиллари бу ҳаракатлари, одоб ва қонун нормаларини ҳам бузиб ўтаёпти. Бу ачинарли ҳол, мамлакат иқтисодига катта талофат етказаяпти.

Мамлакатимизда содир бўлаётган талон-тарож ишлар, айрим мутасадди раҳбарларга қўл келаяпти. Уддабурон раҳбарлар, ўзгаларнинг ҳисобидан, ноқонуний бизнесларини кенг йўлга қўйганлар.

Савол туғилади: **Энди ўзбекчиликка барҳам бериш керак экан-да?** Ўзбекчиликнинг неготив томонларга бурилиши, жамиятимият ахлоқий нормаларининг сиёсатчилар тамонидан бузилиши оқибатидандир. Чунки, қонунлари ишламаган мамлакатда, давлат раҳбарлари, қароқчига айланади.

Мен, Жуманиёзов Н.Р. Ўзбекистон Республикаси конституциясининг 34 моддасига биноан, мустақил мардикорлар касаба уюшмасини тузишда актив қатнашганим учун, маҳкама тарафидан 7.235.500 сўм жаримага тортилганман. Касбим инженер-конструктор.

Шу кунгача ҳалол меҳнатим билан ҳаёт кечирганман. Мен, оилам (аёлим ва қизим) билан ижарага квартирада истиқомат қиламиз. ЎХХ нинг аъзосиман.

Шунинг учун мени, тепанинг буйруғи билан, оилам билан яшаётган ижара квартирадан чиқиб кетишга мажбурландилар. Тошкентда яшаш учун ижарага квартира кўп. Лекин оиламни сарсон қилиш амаллари янги квартирада ҳам тўхташига кафолат йўқ. Чунки, режим катталарининг кўзлаган ҳаром ниятлари, фуқароларни гаровда ушлаб туриш билан амалга оширилади. Каримов тўғрисида “ортиқча” гапирсак:

- ишдан бўшатиламиз,
- жаримага тортиламиз,
- квартирадан ҳайдаламиз,
- судга бериламиз.

Қисқаси, оиламизни қийин аҳволга солиб қўямиз. Бу амаллар, Каримовнинг, режимни бошқаришдаги “кўзирной” картасидир.

Ўн саккиз минг оиламни яратган Аллоҳ ҳамма нарсага қодир. Каримов танлаган бошқарув усули ўз ниҳоясига етиб қолди. Халқ гаровда турган ертўладан, секин-аста, соф ҳаводан нафас олишга, ташқарига чиқаяпти

Ўйлайманки, Каримовнинг катта ва кичик ёрдамчилари ҳам, бу режимнинг Каримовлар оиласидан бошқа ҳеч кимга керак эмаслигига тушуниб қолдилар. Каримов, президентлик амалининг ниҳоясида режимни Гулнора Каримова вариантида қолдиришга ҳаракат қилаёпти. Чунки, дунё диктаторларнинг истакларидан бири, “Барча яхши нарсалар фарзандларимиз учун”, деган тушунчаларидир.

Диктаторнинг тахти, отадан қизига мерос қолишини, халқимиз аллақачонлардан бери кутаяпти. Тахт “ворисининг” бахтига қарши, бу режимнинг амалга ошмайдиган томонлари жуда кўп.

-Отаси, Каримовни 80% фуқаро ёмон кўрса,

-Қизи, Каримовани 100% фуқаро ёмон кўради. Афтини бужмайтиришади.

- Каримова амалга “илашгач”, халқ ичида обрў топишга ҳаракат қилади. Бунинг учун у, отасини ҳам аяб ўтирмайди. Халқни мен эмас, сен эзгансан. Яхшиси, бўйнингга сиртмоқ, дейди отасига.

-Каримовдан зада бўлган, лекин тош отолмаган халқ, Каримова томонга тош отиш эҳтимоли жуда катта. У режимни ушлаб тураолмайди.

Бугунги кунда, Ўзбекистон Халқ Ҳаракати, ўзининг дастури амаллари билан, халқимизни адолатли жамият қуришига етакламоқчи. Мамлакатни югурдаклар билан ёки оилавий пудрат билан бошқариб бўлмаслигини, биз эркачилар жуда яхши тушунамиз.

Мамлакатимизни, етук кадрлар билан, урф одатларимиз таъсирида, дунё сиёсатига мослашган ҳолда, қадриятларимиз асосида тузилган, миллий ғоя билан бошқаражамиз.

Эй бор Худоё, халқимизни золим подшодан халос қилиб, одил подшога муяссар қилгайсан. Парвардигоро, яхши ниятларимизнинг амалга ошишига Ўзинг мадад бергайсан. Омин.

**Н. Жуманиёзов**  
ЭРК ДП аъзоси

Мисрда сиёсат вазият сўнгги кунларда жиддий шаклда таранглашди. Бу ҳол Президент Муҳаммад Мурсий Конституция ҳақида фармонни эълон қилгандан кейин юзага чиқди. Аммо бу фармон фақат масаланинг юзаки тарафи бўлиб, Мисрдаги ҳозирги сиёсий бўҳрон аслида чуқур сабабларга эгадир.

Сўзни бу бўҳроннинг табиийлиги, Миср гирдоб бўлган инқилобларнинг илк ва охириги бўхтони эмаслигидан бошлайлик. Агар Мурсий юқоридаги фармонни эълон қилмаганида ҳам, барибир бошқа сабаб билан сиёсий бўҳрон юзага келиши мумкин эди. Чунки бу – ким кимни энгади мантиғига таянган доимий инқилобдир. Қолаверса, бутун инқилобларда сиёсий кучлар бир биридан айрилади ва улар орасидаги курашни тўхтатиб бўлмайди.

### “Ота” Муборакнинг сояси

Мисрдаги курашнинг бир томонида мамлакатдаги сўнгги икки демократик сайловларни ютиб чиққан “Ихвон” ҳаракати ва турли салафий ташкилотларининг иттифоқи бор. Парламент сайловларида бу иттифок вакилларига сайловчиларнинг деярли 70% овоз берди. Собих Муборак режими тарафдори генералларнинг, маҳкамалар вакиллари, маҳаллий бойларнинг қаршилигига, сайловдаги турли ҳийлаларга қарамай Миср инқилобининг рамзи сифатида Муҳаммад Мурсий президентлик сайловларида голиб келди.

Курашнинг иккинчи томонида турли сиёсий гуруҳларнинг иттифоқи бор. Булар орасида президентлик сайловида мағлуб бўлган Амир Мусо ва ядро қуролланиши халқаро назорати ташкилоти собиқ раиси Муҳаммад Барадей, миллатчи париятлар, секуларизм тарафдорлари, ғарбчилар ва бошқа гуруҳлар бор. Асосийси бу “демократик сафарбарлик” орқасида Муборак режимининг пойдеворини ташкил қиладиган хавфсизлик кучлари ва маҳкама (суд) органи вакиллари турганлигидир. Қизиғи шундаки, 2011 февралги инқилобдан кейин Вашингтон расмийлари биринчи марта, яқинда Ғаззо бўҳронида муҳим роль ўйнаганига қарамай, Президент Мурсийга қарши чиқдилар.

Бу курашда Мурсий бошчилигидаги исломий кучлар, ўзлари биллиб билмасдан, Миср халқининг асосий қисми қўллаб қувватлайдиган инқилобни тараққий қилдиришни истамоқдалар. Бу исломий кучларга аслида эски режимнинг қулашини истамайдиган ва талаблари қўштирноқ ичида “демократия, эркинлик ва ҳуқуқдан” иборат бўлган “демократик иттифок” қарши чиқмоқда.

### Судлар (маҳкамалар) порахўрликнинг марказидир

Учинчидан, сўнгги ўн йилдаги Туркия тажрибаси айнан суд (маҳкама) органларининг исло-

мий ислохотларга қарши курашда аксилинқилобчи ва мурасасиз кураш марказига айланганини кўрсатди. Туркияда бўлгани каби бу фақат мафкуравий асосларга кўра Миср, аксинча судлар (маҳкамалар) Мисрда золим режимларнинг порахўрлик марказига айлангани учун шундай



бўлмоқда.

Мана шундай конституцион мувозанатсизлик вазиятида Президент Мурсий диктатор Муборакнинг эски Конституцияси ўрнига

## ПРЕЗИДЕНТ МУРСИЙНИНГ УЗРИ

вақтинчалик Конституция фармонини эълон қилди. Ушбу фармон янги Конституция қабул қилингунча ўз кучини сақлаб қолади.

Демократик йўл билан сайланган Мурсийнинг бунга ҳаққи борми? Албатта, бор. Чунки Миср жамияти бутун соҳаларда, жумладан ҳуқуқ соҳасида ҳам ўтиш даврини бошидан кечирмоқда. Жамиятнинг асосий қисми бу ўтиш даврининг, шунингдек ҳуқуқий мувозанатсизликнинг тезроқ туғаш тарафдоридир.

Агар Мурсий ислохотларни давом эттирмаса мамлакат тартибсизликлардан чиқа олмайди

Чунки бунинг муқобили тартибсизлик ва уруш жанжалнинг давом этиши бўларди. Масалан, Муборак тайинлаган Конституция Суди Фиръавн йиқилгандан кейин ўтказилган парламент сайловларининг натижаларини бекор қилди. Эски режимнинг “қора кучлари” билан апоқ чапоқ бўлган бу маҳкама ўз қарорининг “қонуний” эканлигини ҳам таъкидлади. Шунингдек, Миср маҳкамасининг олий раҳбарлари ҳарбийлар билан келишган ҳолда Миср халқининг қарорини бир тийинга чиқариш учун янги парламент тарафидан тузилган янги Конституцияни ишлаб чиқиш учун тузилган Конституция хайъатини тарқатиб юборди.

Мана шундай қарама қаршиликлар янги сиёсий бўҳронга сабаб бўлиши мумкин эди. Шунинг учун ҳам Президент Мурсийнинг Конституцион фармони диктатор Муборакнинг эски маҳкамаси вакиллари янги парламент ва янги Конституция хайъат фаолиятини назорат қилишига йўл қўймайди.

Улар Муборак йиқилиши билан ҳамма нарсанинг тинчиб кетишини умид қилган эдилар

Президент Муборак Конституция фармонининг инқилоб ғояларини ҳимоя қилишини, давлат аппаратурини Муборакнинг эски гвардиясидан ва порахўрликни тугатишга қаратилганини самимий йўл билан тушунтирди.

Тўртинчидан, Мисрдаги ҳозирги сиёсий бўҳрон ҳамма нарса Муборакнинг ағдарилиши билан тугади дейдиган ижтимоий сиёсий кучлар билан эски диктаторнинг қулаши исломий инқилобнинг бошланиши, дея ҳисоблайдиганлар орасидаги курашнинг кўриниши ҳамдир.

Ушбу инқилобнинг маълум босқичида ҳокимиятнинг бир нуқтада тўпланиши аниқ мақсадларга эришиш учун ҳам зарурийдир. Ҳар бир инқилобда маълум сабабларга кўра тарбия қилиниши имконсиз бўлган тоифалар ўртага чиқади. Мисрнинг бошқариб турган Муборак режими задогонларининг ўз узидан таслим бўлмасликлари ҳам аниқдир.

Лекин бу эски кучларнинг янги жамиятда ўрни бўлмаслиги керак. Мурсий Конституцион фармони мана шу

мақсадни амалга оширишда муҳим қадам ҳисобланади. Бу ишда Мурсий ўзи каби ислохотларни амалга оширган Эрдўғонни ўрнак олган бўлиши мумкин. Фақат Эрдўғоннинг бундай ислохотларни ўтказиш учун етарли вақти бор эди...

### Инқилоб ғалаба қилади

Бешинчидан, ушбу сиёсий тўқнашувда Мурсий голиб келиши шубҳасиздир. Чунки исломий кучларга муҳолиф бўлганлар, агарда уларни ҳарбийлар ва бошқа хавфсизлик кучлари қўллаб қувватлаганда, муваффақиятга эришишлари мумкин эди. Аммо бу амалга ошмайдиган ишдир. Бунинг устига Президент Мурсий Муборак режимга қарши намоишга чиққан аҳолига ҳужум қилган куч ишлатар тизимлари ходимлари устидан янги текширув ўтказиш учун фармон чиқарди. Агар Мурсий ҳарбийлар ва хавфсизлик кучлари ўзини қўллаб қувватлашларига ишонмаганида эди, бундай таҳликали фармонга имзо қўймаган бўларди.

Ва ниҳоят олтинчидан, нима учун Русия оммавий ахборот воситалари ҳеч шубҳа қилмасдан, умри тугаган Миср муҳолифатининг ёнини олмоқда? Русия газетларига қарасангиз, “Мисрда янги Фиръавн”, “Мисрда маҳкамалар Президентга қарши чиқди”, “Араб баҳоридан кейин Мисрда қиш келди” каби сарлавҳаларни кўришингиз мумкин. Бунинг сабаби Русия матбуоти маълум сабабларга кўра аксилисломий кайфиятга эгадир. Қолаверса рус демократик матбуоти қачон ва қаерда бўлмасин ақл ва мантиқни унутиб, либерал муҳолифатга ён босади.

Шомил СУЛТОНОВ,

«Россия – Ислом дунёси» стратегик тадқиқотлар марказининг Президенти.

Рус тилидан **Намоз Нормўмин** таржимаси

Президент Каримовнинг тўнғич кизига Twitter микроблог саҳифаси орқали мурожаат қилган фарғоналиклардан бири Гулнора Каримовадан газ ва электр муаммосини ечишда ёрдам сўраган.

Шохрухмирзо исмли “Твиттер” фой-

## ГУЛНОРА КАРИМОВА ГАЗ ВА ЭЛЕКТР МУАММОСИНИ ЕЧИБ БЕРА ОЛАДИМИ?

даланувчисининг мурожаатига жавобан Гулнора Каримова 239 29 65 рақамли телефонга боғланишни маслаҳат берган.

Би-би-си Каримова хоним Твиттерда колдирган телефон рақамига боғланди.

Маълум бўлишича, бу Каримова хоним раиси бўлган “Фонд Форум”нинг ҳамкор ташкилотларидан бири экан.

“Ижтимоий масъулиятли фуқаролар форуми” деб номланган ташкилот мутахассиси Аброр Исмоиловга кўра, Гулнора Каримова ушбу ноҳукумат ташкилоти жамоатчилик кенгашининг ҳам раиси ҳисобланади.

Жаноб Исмоилов Каримова хонимнинг твитидан сўнг яйпанлик Шохрухмирзо исмли “Твиттер” фойдаланувчисига Форум рақамлари берилгани ва унга Фарғонадаги матбуот марказига боғланиш тавсия этилганини тасдиқлади.

Аммо унинг айтишича, ҳозирча Шохрухмирзо Гулнора Каримовага арз этган газ ва электр тақчиллиги муаммоси юзасидан шахсан мурожаат қилмаган.

“Бизда уларнинг контакти бўлмагани учун биз “Твиттер” орқали Кўкон ёки Фарғонадаги ахборот марказимизга мурожаат этишларини сўрадик”, - дейди Аброр Исмоилов.

Аммо айти пайтда Форум вакили фуқароларнинг газ ёки электр таъмино-

ти муаммоларини тўғридан-тўғри ечиб беролмасликларини айтди.

“Бунинг учун “Ўзбекнефтегаз” ёки бошқа шунга ўхшаш ташкилотлар бор”, - деди Аброр Исмоилов.

Унинг Би-би-сига айтишича, бу каби ижтимоий муаммоларни ҳал этиш

одамлар, афтидан, Гулнора Каримовани сўнгги умид сифатида кўришади.

Аммо ҳозиргача турли-туман хайрия тadbирларига бош-қошлик қилиб қелаётган Гулнора Каримованинг Ўзбекистондаги жиддий ижтимоий муаммоларга мудохала қилгани кузатилма-

учун одамлар “Ижтимоий масъулиятли фуқаролар форуми”га аниқ лойиҳа билан мурожаат қилишлари керак.

Форум вакили шундай лойиҳалардан иккитаси Қорақолпоғистонда амалга оширилганини урғулади.

“Масалан, биз маҳалладаги уйларнинг томига қуёш батареяси ўрнатмоқчимиз, деганга ўхшаш таклифлар бўлган ва биз ёрдам берганмиз”, - деди Аброр Исмоилов.

Унинг айтишича, “Ижтимоий масъулиятли фуқаролар форуми” сўнгги икки йилда шахсан Гулнора Каримованинг топшириғига биноан республика бўйлаб газ ва электр таъминоти юзасидан мониторинг олиб бормоқда.

Би-би-си билан суҳбатда Форум вакили ушбу мониторинг натижалари ҳақида кейинроқ матбуотга маълумот беришга тайёрликларини билдирди.

### Сўнгги умид?

Сўнгги бир неча йил мобайнида киши мавсумида давомли газ ва электр тақчиллигидан азоб чекиб қелаётган ўзбекистонликларнинг Президентнинг қудратли деб ишониладиган тўнғич кизига юз буришлари, кузатувчилар назарида аҳолининг қанчалар чорасиз аҳволда эканини кўрсатади.

Маҳаллий хокимият, “Райгаз”, “Облгаз”, “Электросет” сингари ташкилотларга мурожаат қилавериш, чарчаган

ган. Унинг “Фонд Форум”и ўтказайтган тadbирларнинг ақсарияти, кўпчилик назарида Ўзбекистондаги ҳақиқий воқеълик ва оддий одамларнинг муаммоларидан узок.

Таҳлилчилар “Твиттер”даги сўнгги мулоқот Президент Ислам Каримовнинг эҳтимолий меросхўрларидан бири сифатида кўриладиган Гулнора Каримованинг оддий халқ орасидаги обрўсини кўтариш уриниши бўлиши мумкинлигини ҳам истисно қилмайдилар.

Агар Каримова хоним, ҳақиқатан ҳам алоҳида олинган бир қишлоқ ёки туман мисолида газ ва электр муаммосини ҳал қилиб беролса, бу бир прецедент бўлур эди.

Ижтимоий-иқтисодий муаммолар йиллар давомида ечилмай қелаётган Ўзбекистонда одамлар Гулнора Каримовани бу каби ижтимоий нақазлар билан кўмиб ташлашларини тахмин қилиш мумкин.

**Гастербайтер,** Тезак ёкар юртдан: Эркин Воҳидов шери Шерали Жураев кушиги. Уз газини четка сотиб тезак ёқан Узбегим. Насиб киса Мустақилликни 30йиллигини Саҳрои кабирда байрам қиламизда а? Бор дарахтни кесиб ёкяпмиз бориб бориб хечтима комедию бу кетишда. Соғлом авлодга касал ватан қолади шу. У дунёга хечтима обкетомесанлар нимага хеч тоймесан а?

## «ОБОД ТУРМУШ»МИ Ё БАРБОД ТУРМУШМИ?

7 декабр куни И.Каримов 2013 йилни “Обод турмуш йили” деб эълон қилди.

Бу номни бериш Каримов режими-нинг «Мустақиллик» йилларида олиб бораётган сиёсатининг *«асосий, бош мақсади бўлмиш инсон манфаати, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизни янада обод ва эркин, эртанги куннинг янада ёруғ бўлиши йўлида яна бир улкан қадам бўлиб хизмат қилишида»* амин экани ҳақида баёнот берди И.Каримов.

2012 йил “Мустаҳкам оила йили” деб эълон қилинган ва унда режаланган дастурлар учун 2 триллион сўм ва 100 миллион АҚШ доллари маблаг сарфданганини ҳам қўшимча қилди.

Эслатиб ўтамиз, 2012 йилда оила сиёсатида давлатнинг амаалга оширган энг катта дастури - аёлларни мажбурий стерилизация қилиш сиёсати бўлган.

Қелаётган 2013 йилда оддий халққа қанақа «Обод турмуш» тақдим этмоқчи экани ҳозирча давлат сири.

## МАРАЗМ АЛОМАТЛАРИ

Араб тилидаги “маризд” (касал) сўзидан олинган бу калиманинг ўзбекча маъноси “аклини еган” дир. Бу қариб қуйилмаган сиёсатчиларга ярашадиган таърифдир. Советларнинг сўнгги лидерларидан Леонид Брежневга ўз замонида айнан шу “диагноз” қўйилганди. Чунки у ўзини ўзи турмасдан турли орденлар билан мукофотлар, кўкрагининг ўнг ва чап томонига “Совет Иттифоқи”, “Социалистик Мехнат Қаҳрамони” юлдузларини қатор қатор қилиб тақиб оларди. Кейин ўзи учрашган давлат арбобларидан, одам айтишга ҳам уялади, лабини лабига қўйиб узоқ бўса оларди. Яъни, Брежнев сиёсий маразнинг типик ўрнаги эди...

Умуман олганда эркинлик ва адолатни бир томонга улоқтириб, ўз мамлакатларини зулм, ёлғон, порахўрлик билан бошқарадиган диктаторларнинг барчасини “маразм” хасталигига дучор бўлган, дейиш мумкин. Масалан, Ливиянинг собик диктатори Қоддафий “Мен бўлмасам бу халқ қандай яшайди” (инсонлар қандай нафас олиб берадилар, қандай ётиб турадилар, қандай фаолият

олиб борадилар ва ҳ) сўзи билан ўзининг маразм касалига дучор бўлганини исботлаганди. Худди шундай биринчи Туркманбоши “Рухнома” номли китоб ёзиб (ёки ёздириб) бу китобини “Қуръон” ва Инжил билан ёнма ён қўйишга



(яъни астафтуруллоҳ ўз китобининг бу илоҳий китобларга тенглигига) фармон берганди. Куни кеча олинган хабарга кўра Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев ўз номига аталган “Ягона ватан, ягона тақдир, ягона раҳбар” кунини (Назарбоев кунини) эълон қилган (centrasia.ru) ва фуқароларини ўз кунин билан табриқлаган. Ягона ватан балки тўғридир, аммо ягона тақдир асло тўғри эмас, чунки ҳар инсоннинг ўз тақдири бор. Шунингдек, ягона раҳбар иддоаси ҳам бу раҳбар ўлгандан кейин тупроққа кўмилиб кетади...



## БОЙСУНДА МИЛИЦИЯЧИЛАРНИ ОСИБ КЕТИШДИ



2012 йил 30 ноябрь куни кечаси соати 23-00да Бойсун тумани “Олмазор” кўчаси, биринчи тор кўча бурилишида, туман ИИБнинг ходимларидан икки кишини симёғочга осиб кетишган...

### Мен нима дейман-у, қўбизим нима дейди ёхуд Илҳом Шералиев нима дейди-ю, қонун нима дейди

Мамлакат Конституцияси ва қонунларини одамнинг скелетига таққослашади. Скелет бўлмаса ёки заиф бўлса, одамни бир халта гўшт ёки икки букчайган қария каби тасаввур қилиш мумкин, холос. Бу ҳолатни халқимиз “Бўш коп тик турмайди” деб ҳам тушунтиради. Давлат ҳам шундай. Давлат Конституцияси ва қонунлари ноҳолис, айёр, порохёр, қароқчи, саводсиз, ғаразли, бировларнинг буюртмаси билан иш кўрувчи лавозимли шахслар қўлига тушиб қолса, давлат ҳам бир халта гўшт ёки икки букчайган қарияга айланади. Конституция амалда бўлса, қонунлар адолатли ишласагина мамлакат ривожланади, одамлар бахтли яшайди, Гулнора Каримовага ўзшаганлар халқни таламайди, президент ёлғон гапирмайди. Қарши шахрида Гулшан Қараева деган синглиз яшайди. Касби медик бўлса-да, юрак амри билан “одамларга ҳуқуқларини ҳимоя қилишда оз бўлса-да ёрдамим тексин” дея ҳуқуқдонлик соҳасида ҳам баҳоли-қудрат фаолият юритмоқда. Бу соҳада у Ўзбекистоннинг буюк ҳуқуқбони, физик бўлса-да, бироқ барча соҳада, хусусан сиёсатда ҳам, ҳамманинг олдида кетаётган Абдужалил Бойматов билан ҳамкорлик қилади. Бу – яхши. БМТнинг ҳуқуқдонлар ҳақидаги 1998 йилда қабул қилган Декларациясига мувофиқ ҳуқуқдонлик касб танламайди. Ўзбекистон одил суди негадир аёлларни “яхши кўради”: эркаларга битта модда билан айб қўйса, аёлларни камида иккита модда билан “сийлайди”. Муътабар Тожибоевани, масалан, ЎН САККИЗТА модда билан “ўраб-чирмаган”. Мен ўша пайтларда энг кучли россиялик адвокатлардан сўраганимда улар: “Совет даврида ҳам аёл 18 та модда билан айбланганини билмаймиз. 3-4 та модда билан айбланган аёллар бўлган, аммо 18 та модда ...! Бу – кулгули!” дейишган. Гулшан синглизга ҳам шаввоз терговчи Илҳом Шералиев иккита модда “ёпиштирибди”: 139 (Тухмат) ва 140 (Ҳақорат қилиш).

Шу ерга келганда мен мухтарам ўқувчилардан узр сўрамоқчиман: моҳият

Милиция ходимларининг устки кийим-бошлари ечиб олинган, яланғоч ҳолатда тананинг олди ва орқанинг аврат аъзолари жисмоний куч ишлатиш натижасида ва зарбанинг қаттиқ урилганлиги туфайли моматолоқ қилинган... Ушбу зўравонлик юзасидан туман прокуратураси томонидан “Жиноий иш” кўзғатилган. Аммо... Бу зўравонлик ортида ким тургани ва қайси гуруҳ вакилларининг “қўли” борлиги турли ҳил миш-мишларни келтириб чиқармоқда. Кимнингдир нафратини кўзғатса, яна кимдир “Яхши қилибди. Баракка топсин! Отасига минг раҳмат!” демоқда... Ҳозирги кунда ИИБ ходимлари туман марказий шифохонасига қарашли бўлган, “неотложка” бўлимига ётқизилган.

Шифокорларнинг сўзларига қараганда, “икки милиция ходимига нисбатан жисмоний куч ишлатиш натижасида ва зарбанинг зўрлик туфайли тананинг биронта аъзоси соғ-саломат қолмаган. уларнинг аҳволлари жуда ҳам оғир, улар “шок” ҳолатидалар...”

Туман ҳокимияти ва прокуратура ходимлари ишсиз фуқароларни рўйхатга олиш ва уларни моддий ва маънавий жиҳатдан кўмаклашиш чораларини кўришмоқда. Бироқ... қўшимча маблағни топиш ва уларнинг муаммоларини ечиш амри маҳол бўлмоқда...

Шу кеча-кундуз Бойсун туманида “Фавқулодда ҳолат” эълон қилинган.

**Мансуржон Фозилжонов**

тушунарли бўлиши учун мен Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (ЎЗР ЖК) ва Жиноят-процессуал кодекси (ЎЗР ЖПК)дан бир неча кўчирмалар келтиришга мажбурман. Гарчи ўқувчиға уларни ўқиш зерикарли бўлса-да, мен уларни “тишни тишга қўйиб” ўқишни тавсия қиламан. Инсон тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар қандай одам шуларни ўқиши ва билиши зарур, деб ўйлайман. Шундай қилиб ...

1)ЎЗР ЖКнинг 1-моддасига асосан “Ўзбекистон Республикасининг жиноят



### ҚЎБИЗ ВА ҚОНУН

тўғрисидаги қонун ҳужжатлари Конституция ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган нормаларига асосланган”;

2)ЎЗР ЖКнинг 3-моддасига асосан “Жиноят кодекси қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик, айб учун жавобгарлик, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига асосланган”;

3)ЎЗР ЖКнинг 5-моддасига асосан “Жиноят содир этган шахслар жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиб, қонуқ олдида тенгдирлар”;

4)ЎЗР ЖКнинг 10-моддасига асосан “Қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт”;

5)ЎЗР ЖКнинг 14-моддасига асосан “ЎЗР ЖК билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади”.

Илҳом Шералиев бўйича Гулшан

қанақа жиноят содир этган экан? Гулшанга нисбатан 139 ва 140-моддалар бўйича жиноий иш кўзғатиш мумкинми? Жавоб битта: Гулшанга нисбатан жиноий иш кўзғатиш мумкин ЭМАС ва жиноят содир этган ЭМАС! Бу даврони исботлаш учун юрист бўлиш ҳам шарт эмас, чунки унинг исботи шу моддалар диспозициясида ёзиб қўйилган:

139-модда: “Тухмат қилиш, яъни бида туриб бошқа шахсни шарманда қиладиган уйдирмалар тарқатиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса”;

140-модда: “Ҳақорат қилиш, яъни шахснинг шаъни ва кадр-қимматини беодоблик билан қасдан таҳқирлаш, башарти, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, жиноят иши кўзғатилиши ШАРТ.

Бироқ, Гулшан Қараева олдин бирор марта ҳам суд қилинмаган! Кимгадир тухмат қилгани учун ҳам, кимнидир ҳақорат қилгани учун ҳам маъмурий жазо олган эмас. Ким судланган бўлса, бу ҳақдаги маълумот суд органларининг маълумотлар базасида туради ва уни терговчи ёки судья истаган пайтда ўша базадан ола олади. Хулоса: Илҳом Шералиев Гулшан Қараева устидан **НОҚОНУНИЙ** жиноий иш кўзғатган! Бундай пайтда ҳар қандай виждонли инсоннинг нигоҳи Илҳом Шералиевга қаратилган бўлиши керак: нега у бу ишни қилди? Саводсизми? Гулшанга шахсий ғарази борми? Ёки кимнингдир зақаси (буюртмаси)ни бажараяптими?

Жавоб: бу мухтарам зотни саводсиз деб бўлмайди. Ҳар ҳолда олий юридик билими бўлса керак. Бўлмаса, у ҳолда уни давлатнинг ўта муҳим мазкур лавозимига ким ишга қабул қилганлигини текшириш зарур бўлади. Унинг Гулшанда шахсий адопти бўлганига ҳам асос кўринмайди: нима, Гулшан Илҳом Шералиевнинг арпасини хом ўрибдими? Буюртма қолади, фақат! Илҳом Шералиев бекорчиликдан, ўз-ўзидан бировга қарши жиноий иш очавермайди-ку!

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Бировнинг закали билан айбсиз инсон устидан жиноий иш очиб, бу – кип-кизил жиноят! Қизик замонлар бўлди-да: жиноятчи айбсиз одам устидан жиноий иш очиб ўтирибди. Юқорироққа қайтамиз: Илҳом Шералиев Гулшан Қараевага нисбатан жиноий иш очар экан, у ЎЗР ЖКнинг 1-чи моддасига, яъни Ўзбекистон Конституцияси ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган нормаларига асосланганмикин? Асло! У балки ЎЗР ЖКнинг 3-чи моддаси, яъни Жиноят кодексининг қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглик, демократизм, инсонпарварлик, одиллик, айб учун жавобгарлик, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига асослангандир? Йўқ, асосланган эмас! Ундайда нима? ЎЗР ЖКнинг 10-чи моддасига асосан “Қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилган шарт”. Шахснинг ҳатти-ҳаракатида жиноят таркиби мавжуд бўлиши учун ушбу учта шарт бажарилиши лозим: 1) Жиноят содир этилганлик белгилари бўлиши; 2) ЎЗР ЖКда мазкур ҳатти-ҳаракат жиноят эканини эътироф этадиган модда бўлиши; 3) Шу ҳатти-ҳаракатни содир этган шахс [жиноят субъекти] мавжудлиги.

Гулшан Қараевага нисбатан жиноий иш қўзғатган жиноят субъекти Илҳом Шералиевнинг ҳатти-ҳаракатида жиноят таркибининг 1-чи шарт “мана-ман” деб турибди. ЎЗР ЖКнинг 139 (Тухмат) [Диспозицияси юқорида келтирилган], 209 (Мансаб сохтакорлиги)

### 1. Жиноят турлари / Мансаб сохтакорлиги

Мансаб сохтакорлиги, яъни мансабдор шахснинг ғаразғўйлик ёки бошқа манфаатларни қўзлаб, расмий ҳужжатларга била туриб, сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиши, ҳужжатларни қалбакилаштириши ёки била туриб, сохта ҳужжатлар тузиши ва тақдим этиши, фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқладиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зарар етказилишига сабаб бўлса] моддалари эса у содир этган ҳатти-ҳаракат жиноят эканлигини эътироф этувчи моддалардир. ЎЗР ЖКнинг 5-моддасига биноан Илҳом Шералиев Гулшан Қараева билан теппа-тенг, ортик жойи йўқ ва, демак, қилган жинояти учун жавоб бериши шарт, чунки ЎЗР ЖКнинг 14-моддасига асосан унинг Гулшан Қараевага нисбатан қилган ҳатти-ҳаракати жиноятдир.

### Ўзбекистон одил суди танлаб жазолайди

Илҳом Шералиев Гулшан Қараева устидан қўзғатган жиноий иш ЎЗР ЖПКнинг 322-моддаси (Жиноят ишини қўзғатиш сабаблари ва асослари)нинг 3)-банди [Оммавий ахборот воситалари берган хабарлар]га асосланиб, яъни интернет-сайтдан олинган қўзғатилган. Ушбу мақола ҳам бир неча ўзбекзабон интернет-сайтларда чоп этилишига ишонаман. ЎЗР ЖПКнинг 345-моддасига асосан Илҳом Шералиевга нисбатан

139-модда бўйича Қарши шаҳар ИИБ-нинг терговчиси, 209-модда бўйича эса шу шаҳар прокуратурасининг терговчиси жиноий иш қўзғатишлари лозим. Одатда, бир шахсга нисбатан қўзғатилган ишлар турли идоралар томонидан қўзғатилган бўлса, уларни шу идораларнинг бири бирлаштириши мумкин. Мазкур ишда бу ҳаракатни прокуратура амалга оширади. Бу иш тўлақонли ЖИНОИЙ ИШ бўлади,

## ҚЎБИЗ ВА ҚОНУН

чунки 209-модданинг диспозициясида “шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса” деган шарт йўқ. Қўрамыз, қўзғатишадими-йўқми? Агар айбсиз Гулшан Қараевага қарши ноқонуний жиноий ишни назорат қилган прокуратура уни судга йўллаган экан, шу орган ҳақиқатан жиноят содир этган Илҳом Шералиев устидан жиноий иш очмаса, у ҳолда бу ҳолат ҳуқуқмағ ҳуқуқбонга қарши қасддан репрессия (қатағон) уюштираётгани аён бўлади-қолади. Бу ҳолда эса, Гулшан Қараева тўғридан-тўғри БМТнинг Инсон ҳуқуқлари қўмитаси (ИХҚ)га мурожаат қилиши мумкин. Гарчи суд бўлмаса ҳам. Эшитишимиз бўйича Ўзбекистоннинг биринчи ва асосий ҳуқуқбони Акмал Саидов 2013 йил апрель ойида ҳуқуқнинг мамлакатда инсон ҳуқуқлари вазиятига бағишланган ҳисоботини қўлтиклаб, уни БМТнинг ИХҚ аъзолари олдида ҳимоя қилиш учун Женева (ёки Нью-Йорк)га олиб жўнар эмिश.

Биз Гулшан Қараевани ким суд қилишини билмаймиз. 3 декабрь, душанбага мўлжалланган судга “судланувчи” ҳатто қақирилмаган ҳам. “Қақирилмаган” дейишимнинг сабаби шу-ки, судланувчи ЎЗР ЖПКнинг 97-моддаси (Сўроқ қилиш учун қақирув) [Диспозицияси: “... судланувчи ... судга қақирув қогози билан қақирилади. Қақирув қогози почта орқали жўнатилади ёки чопар орқали топширилади...”]га биноан қақирилсагина қонуний ҳисобланади. ЎЗР ЖПКда 588 та модда бор. Бир нарсани аниқ айтиш мумкин: судья унинг 97-моддасини ҳурмат қилмас экан! Демак, у сохта судья экан! Фақат бу модда эмас, судья яна қуйидаги моддаларни ҳам ҳурмат қилмас экан.

ЎЗР ЖПКнинг асосий нуқталаридан бири унинг 396-моддаси (Жиноят ишини судга қўриш учун тайинлаш чоғида аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар)дир. Аниқлаштирамиз. Тергов тугагач, терговчи бир қатор процессуал ҳужжатларни тайёрлаб, хусусан айблов ҳулосасини имзолаб, 381-модда (“Жиноят ишининг прокурорга юборилиши”)га асосан жиноят ишини дарҳол прокурорга юборади. Прокурор ёки унинг ўринбосари айблов ҳулосасини тасдиқлаб, ЎЗР ЖПКнинг 388-моддасига асосан жиноят ишини тегишли судга юборади. Шундай қилиб, жиноий ишнинг судишюритуви жараёни бошланади. Ишни ўз ишюритувига қабул қилган судья ишни нимадан бошлайди?

Судьяга ишни ўрганиш ва бир қатор амалларни бажариш учун ЎЗР ЖПКнинг 395-моддасига биноан 7 сутка вақт берилади (бу муддат шу суднинг раиси томонидан кўпи билан уч суткагача

узайтирилиши мумкин). Мазкур амалларнинг орасида энг муҳими 396-модда (Жиноят ишини судга қўриш учун тайинлаш чоғида аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар)дир. Судья жиноий ишни судга қўриш учун тайинлаш масаласини ҳал қилиш чоғида айбланувчига нисбатан 7 ҳолатларни аниқлаши лозим. Гулшан Қараеванинг жиноий иши учун бу модданинг ушбу бандлари ўта муҳим:

2) ишни тугатиш ёки тўхтатишга сабаб бўладиган ҳолатлар борми-йўқми; [“борми” сўзини мен қўшиб қўйдим – Т.Ё.];

3) ишнинг суд мажлисида қўрилиши учун асослар етарлими;

4) суриштирув ва дастлабки тергов ўтказиш чоғида ушбу Кодекснинг талабларига риоя қилинганми;

7) айблов ҳулосаси ЎЗР ЖПКнинг талабларига мувофиқ тузилганми.

Жиноий иш ноқонуний қўзғатилган бўлса, у нафақат тўхтатилади, уни тугатиш (яъни ёпиш)га судьянинг тўлиқ ҳаққи бор. 2)-чи шартнинг бажарилиши [айбланувчи фойдасига] 3-чи, 4-чи ва 7-чи шартлар ҳам автоматик айбланувчи фойдасига ўтади, яъни ишнинг суд мажлисида қўрилиши учун асослар етарли эмаслиги, суриштирув ва дастлабки тергов ўтказиш чоғида ЎЗР ЖПКнинг талабларига риоя қилинмаганлиги ҳамда айблов ҳулосаси шу Кодекснинг талабларига мувофиқ тузилмаганлиги келиб чиқади. Бу ҳолда судья ЎЗР ЖПКнинг 83-моддаси (Реабилитация учун асослар)нинг 2) [айбланувчининг қилмишида жиноят таркиби бўлмаса] ва 3) [унинг содир этилган жиноятга даҳли бўлмаса] бандлари ҳамда 401-моддаси (Жиноят ишини тугатиш) [Диспозицияси: ЎЗР ЖПКнинг 83-моддасида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлса, суд жиноят ишини тугатади]га асосан айбланувчини тўлиқ оқлайди.

Бирок судья бу процессуал ҳаракатларнинг бирорғасини ҳам қилган эмас ва, демак, у: 1) ЎЗР ЖПКнинг 396, 401 ва 83-чи моддаларини ҳам ҳурмат қилмайди ва 2) Илҳом Шералиев билан жиноий тил топишган. Қонун бўйича у жиноий ишни ЎЗР ЖПКнинг 396-моддаси асосида текшираётган пайтда суд жараёни ҳали бошланмаган бўлади. Шу модда талаби бўйича у айбланувчи айбсиз эканини аниқласа, уни оқлайди ва бу ҳақда 401-модданинг 3-қисмига асосан айбланувчига ХАБАР БЕРИШИ КЕРАК. Мазкур мақола 1 декабрь куни ёзилмоқда, Ўзбекистон билан муттасил алоқада, бироқ Гулшан Қараева ҳанузгача оқлов қоғозини олган эмас. Билмадим, судья нимани кутаяпти: Илҳом Шералиев устидан очилиши муқаррар бўлган жиноий ишни прокуратура бекитиши учун амнистияни кутмоқдами? Ёки Гулшанни судга обкелтириб оқлов қоғозини ўз қўли билан топширмоқими? Балки қасдма-қасдга, «нима бўлса бўлди» деган принципга кўра Гулшанни суд қилмоқчимиз? Нима бўлганда ҳам бу судья ноқонунийлиги кундай равшан бўлган жиноий ишни ўз ишюритувиغا олгач, уни ўрганиш муддати ўтган бўлса-да, қонун талабларини беҳаёларча бузаётир ва, демак, жиноят содир этаётир.

## ДУНЁ ЎЗБЕКЛАРИДАН БИР МИСОЛ: ҒАРБДА ЯХШИ ЯШАБ КЕЛИБ, ОНА ВАТАНДА АЗОБ ВА ХЎРЛИККА УЧРАГАНИМДАН АФСУСДАМАН

*ЎХХ сайти тахририятига кўплаб мактублар келади. Уларнинг аксари ватандаги ва хориждаги юртдошларимиздан бўлса, баъзилари хорижий давлатлардаги миллатдошларимиздан келган. Куйида эътиборингизга ҳавола этаётганимиз мактублар ўтган асрда Туркистондан ҳижрат этган ўзбек муҳожирлари авлоди, Мустақиллик шарофати билан Она Ватани ривожига ҳисса қўшиши умидида Ўзбекистонга сармоя ётқизган хориждаги ўзбекларимиздан бирининг арзномаларидир. Арзнома қисқартирилган ҳолда берилмоқда.*

**ЎХХ тахририяти**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ  
КАРИМОВГА

Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани,  
Алишер Навоий кучаси, 16-уй 18-хонадонда яшовчи, миллати – ўзбек, чет эл фуқароси Муҳаммад Шокир Хубий Туркистонийдан

### АРЗНОМА

Мухтарам ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ!

Мен Муҳаммад Шокир Туркистоний, миллатим – ўзбек, ёшим олтишдан ошган, Ғарб дунёларида таълим олиб, ҳуқуқшунос ва криминалистик илмларига олий даражада эгаман.

Ўзбекистон Республикасининг истиқлоли, авваламбор, Аллоҳ Таборак ва Таолонинг лутфу-марҳамати билан, қолаверса, бу улғу неъматга сабаб бўлган Сиздек миллатпарвар бир инсоннинг барокати билан, биз каби ватан тупроғини кўришга ва ўпишга хасратда юрган ватандошларнинг кўнглимизни тоғдек кўтарди. Ва Она Ватанимизга қайтишга умид уйғонди

Менинг талабларим инсон ҳуқуқлари бўйича шулардан иборат:

1. Ватандошлигим ҳужжатлари элчихона орқали менга берилсин.

2. Миллий матбуот тепасида жойлашган квартираларим ва унинг ичида бўлган ота-онамдан қолган расмлар ва шахсий кийим-кечакларим, менга берилган ҳада китоблар ушбу пайт суд ижрочилари раиси бўлган Нуриддин Тошпўлатов Зубайдуллоевич буйруғи билан кўпол равишда талон-тарож бўлган. Молу-мулким порахўрлар ўртасида арзон нархда сотилган. Шу ишлар бўйича адолат ўрнатилсин.

3. Ўғри ижрочилар менинг И8-хонадонимни бузиб кириб, мен учун жуда кадрли бўлган мухтарам президентимиз, уларни умир йўлдошлари ва маънавий онамиз Татьяна Каримова, қизлари Лола ва Гулнора ва бағирларига босиб турган неваралари Ислонжон расми зудлик билан қайтарилсин.

4. Шунингдек, кийим-кечакларим, ота-онамдан қолган хотира суратлар, Ўзбекистон телевидениесига берган интервьюларим ва менга ҳада қилиб берилган китоб ва кассеталар, кўҳна, қимматбахо кўлда чизилган сурат (олтмиш етмиш ҳажмда), деворга осилган Саудия Арабистони қироли Файсалнинг дуо қилиб турган сурати, Саудия байроғи каби мендан ноҳақ, қонунга хилоф равишда олиб қўйилган нарсаларим ташқи ишлар вазирлиги орқали элчихонага юборилиб, менга топширилишини сўрайман.

5. Апелляция шикоятимга асосан менинг ортимдан чиқарилган суд қарорининг нусхасини менга топширилишини талаб қиламан.

6. Ўзбекистон республикаси ОВИР бошлиғи Бадриддин Чоризқиев давлатимиз қонунини поймол қилгани учун жазо олсин.

7. Шайхонтоҳур тумани суд раиси Шавкат Раҳмонов ва унинг судьялари Носир Тўлаганов, судья Мавлуда Солиҳова. Бу ғаразли шахслар ўзларининг шармандачиликлари очилиб қолмаслиги учун ҳар томонлама тўсиқлар билан мени Ўзбекистонга боришимни йўқ этиб, натижада ҳақимда сиртдан қарор чиқариб, Ўзбекистондаги мол-мулкларимга эга бўлиб, ўзаро бўлиб олдилар. Халқро қонун-қоидага асосан, ҳаммамизга маълумки, сиртдан чиқарилган қарор қидирилган ва қочиб юрганларга чиқарилади. Шулар ҳам қилмишига яраша сазойи бўлсин.

8. Шайхонтоҳур туман суди раиси Шавкат Раҳмонов раислигида собиқ (судьяликдан ҳайдалган) шаҳар суди раиси Нуриддин Тошматов Зубайдуллоевич билан бирга ишлаган адвокат Жамила Аҳмедова жавобгарликка тортилсин. Чунки у адвокат Насриддинов Ҳабибулло номидан қалбаки ариза ёзган. Менда Насриддинов Ҳабибуллонинг ариза ёзмагани ҳақида Саудия Арабистони элчихонаси томонидан тасдиқланган ҳужжат бор ва ҳужжатга Ҳабибуллонинг укаси Насриддинов Сотволди, Усмонов Боймирозоев, Жўрабоев Фазлиддин ва Маҳаммовлар шоҳид бўлган. Аслида, ушбу ариза Шайхонтоҳур суд раиси томонидан умуман кўрилмаслиги керак эди.

9. Тошкент шаҳар суди ва Шайхонтоҳур фуқаролик суди ва Мирзо Улуғбек судида мавжуд бўлган ҳужжатларимни назоратга олишни сўрайман. (Менинг ҳақ эканимни исботловчи ҳужжатлар йўқ қилиб юборилмади).

10. Менинг барча буйруқ ва чақирув ҳужжатларимни кўра туриб, менга виза бермаган собиқ Жидда бош консули Музаффар Аҳмаджанов ва Риёз шаҳрида элчи бўлган Улуғбек Исроилов ғайри қонуний ҳаракатлари текширилишини сўрайман.

11. Элчи жанобларидан яна бир илтимосим шуки, ташқи ишлар вазири, мухтарам Абдулазиз Комилов жанобларига ва бош прокурор Рашидjon Қодировга ва мухтарам адлия вазирига шу ёзган саҳифаларимни етказишингизни сўрайман.

12. Жанобингизга менда мавжуд бўлган ҳужжатларнинг бир қисмини тақдим этмоқдаман. Агар эҳтиёж бўлса, қолган қисмини ҳам юборишим мумкин.

21. Республиканинг собиқ ташқи ишлар вазири Убайдулло Абдуразоқов.

22. Ўзбекистон республикасининг собиқ муфтийси Муҳаммадсодиқ Муҳаммадйосиф жаноблари.

23. Ўзбекистон ёзувчилар уйи раҳбари, ватанимиз мадҳиясини ёзган, ҳақиқий халқ шоири Абдулла Орипов.

24. Истиқлолнинг биринчи кунларида

ёзувчилар уйи раиси бўлган шоир Жамол Камол.

25. Юртбошимизнинг инсон ҳуқуқлари бўйича маслаҳатчиси ва Франциядаги собиқ элчи Акмал Саидов.

26. “Олтин мерос” раҳбари Амиркул Каримов.

27. Собиқ ташқи ишлар вазири, мухтарам Абдулазиз Комилов билан таништирган Озодлик радиосининг собиқ директори Ёқуб Тўрон (у мени АҚШда яшовчи оғамнинг ўғли бўлади).

28. Ўзбекистон республикаси руҳий касалхонаси профессори Турсун Исмоилович ҳазратлари.

29. Эркин Воҳидовнинг синфдоши, депутат Иброҳим Ғафуров.

30. Суҳбатларига мени тақлиф қилган, Ўзбекистоннинг қаҳрамон ёзувчиси Саид Аҳмад ака.

31. Шарқшунослик институти ректори Неъматулло Иброҳимов (Эркин Воҳидовнинг қудаси).

32. Саудия Арабистонидаги ўзбек ватандошларини тўплаб, ўзини “Аъзамжон қори”, деб таништирган Жидда консули Мадинада менинг уйимда ватандошларни тўплаган эди.

33. Халқ ҳурматида сазовор бўлган, Шайхонтоҳур туман ҳоқими Адҳам ака Миржалилов.

34. Сергели ҳоқими Раҳимжон Рўзмуҳаммедов.

35. Кўп яхши дўстим, Ўзбекистон республикасининг милиция академиясида криминалист домла бўлган, машхур, таниқли, Тошкент ва Самарқандда милиция раҳбари бўлган. генерал Урайимжон Абдулғаиёв.

36. Ўз офисида менга ҳурмат қилиб: “Сизни Шокир ака, десам бўладими?” деган, республика ОВИРи бошлиғи, полковник Бадриддин Шоризқиев.

37. Ўзбекистон халқ шоир ва қаҳрамони Эркин Воҳидов мени доимо Муҳаммад Шокир ака деб хитоб қилган.

38. Олий суд раиси ўринбосари, Шайхонтоҳур туман суди раиси Шавкат Раҳмонов ва б.

Мухтарам элчи жаноблари! Бу шахсларнинг исм-шарифларини келтиришимдан мақсад, Худога шукр, мен яхши одамлар билан алоқам бор эди. Ишларим Тошкентдаги уйимда мавжуд эди. Ушбу рўйхатнинг охирида 36. 37 ва 38-рақамда исмларини айтиб ўтган кимсалар менга кўп зулм қилди.

Бу муттаҳамлар мендан расмий равишда узр сўрашлари ва қилган гуноҳларига эътироф этишлари керак. Улар тавба қилмасдан ватанимизнинг шону-шарафига доғ тушириб юрсалар, сиз президентимиз вакилларидан исмлари ёзилган золимларни жавобгарликка тортилишини илтимос қилиб сўрайман.

Шуни сизга сўзламоқчиманки, мен золимлар менга кўрсатган зулм масалада юз фоиз ғалаба қозонганман. Чунки тарихда бу муттаҳамларнинг исмлари қора хатлар билан ёзилиб қолади.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят бор: Маъноси шундан иборатки, “Ҳар бир Одам фарзандининг хатоси бор ва хатокорларнинг энг яхшиси кўп тавба қиладиганларидир”.

**Муҳаммад Шокир Хубий Туркистоний**  
uzxalqharakati.com/archives/14388

**СЎЛАК БЕЗИ ТИЗИМИ ВА КАСАЛЛИКЛАРИ***(Давоми: Боши ўтган сонларда)***Янги ловияни ишлатиш**

Ҳар куни эрталаб (ёз ойларида) 100 гр сиқилган янги ловия суви 100 гр сув билан аралаштирилади ва ловия мавсуми тугагунча оч қоринга ичилади.

**Ёки:**

Янги ловия тўғралиб, бошқа яшил сабзавотлар билан, лимон суви, зайтун ёғи, саримсоқ ёки пиёз билан аралаштирилиб, салат ҳам қилинади. Бу салат ноҳисиз ейилади.

**Ёки:**

Тенг миқдорда янги ловия, сарсабил карами, бодринг сувлари аралаштирилиб, сув қўшилади ва кунига 2-3 марта ичилади.

Куйидаги мева сабзавотларни мавсумида қўллаш ошқозон ости безини кучайтиради:

Қизил лавлаги суви кунига 30 граммдан бошлаб, 300-400 граммгача қўпайтирилади. 30 кунлик курслар давомида ва курслар орасида қисқа танаффуслар қилиб, кунига 3 марта 100-150 граммдан ичилади. Қизил лавлаги сувини ичмайдиганлар “Рўза тугалмайди”лар учун мева ва сабзавот сувларининг рўйхати”даги қоришмалардан бирини ичишлари мумкин.

Нордон анор суви ичилади ёки нордон анорнинг ўзи уруғлари билан бирга ейилади. Нордон олма мавсуми тугагунча қобиғи ва уруғлари билан бирга ейилади ёки унинг суви ичилади.

Мавсумида олхўри ейиш ҳам жуда фойдали.

Тарвуз мавсумида қўп тарвуз еганлар қўп фойда кўрганларини ва диабет касаллари учун тарвуздан яхшироқ малҳам йўқлигини айтишади. Фақат тарвузни уруғлари (данаклари) билан ейиш зарурлигини унутмаслик ва тарвузнинг гени ўзгартирилмаганлигига эътибор қилиш керак.

Булар қонни тозалаш, ошқозон ости безини қувватлантириш ва қондаги шакар миқдорини мувозанатлаш билан биргаликда буйрак ва қовқуда туз ҳамда тош ҳосил бўлишининг олдини олади.

Янги сиқилган пиёз сувининг қўлланилиши:

Ҳар куни кечқурун ўрта бўйли пиёз суви сиқилади ва оч қоринга инсулин ўрнига сув билан ичилади, пиёз овқатлар билан ейилади.

**Ёки:**


Ўрта бўйли пиёз суви 150-200 гр қизил лавлаги суви билан аралаштирилиб ичилади.

Қондаги шакар меъерини назорат қилувчи (ушлаб турувчи) чойлар:

Бир миқдор янги зайтун барги эзилади. Бу барг эзмаси сув билан қориштирилиб, 15 дақиқа қолдирилгандан сўнг сузилади ва ютумлаб ичилади.

Бир ош қошиқ ёнғоқ барги бир стакан қайнар сувда 15 дақиқа дамланиб, сузилади ва бир кун давомида ютумлаб ичилади.

40 дона ёнғоқнинг ич қисмида бўладиган пардалар бир стакан қайнар



сув билан қориштирилиб, 15 дақиқа дамлангандан сўнг икки соат қўйилади ва сузилади. Кунига уч марта бир ош қошиқ ичилади. Қишда қичитки ўти қўшиб қўлланилади.

Маймунжон барги дамла-ниб, чой ўрнига

ичилади ёки кунига 2-3 марта бир чой қошиқ эзилган маймунжон барги истеъмол қилинади.

Кунига 100-150 гр қичитки ўти сувини ичиш, қичитки ўти овқати ёки салати ейиш, кунига бир чой қошиқ қичитки ўти уруғини ейиш, қичитки ўти чойини ичиш, қуритилган қичитки ўтини овқат ва салатга қўшиб истеъмол қилиш, ҳар мавсумда доим қўллаш ва баргизубни сиқиб, сувини ичиш ва уруғини ейиш қонни тозалайди, иммунитет тизимини ва ошқозон ости безини қувватлантиради, қондаги шакар мувозанатини таъминлайди.

**Диабетга қарши кучли дорилар:**

Бир стакан седана + ярим стакан қоратундақ уруғи + бир стакан анор данаки + бир стакан қурутилган оқ қарам томири туйилади, бир ош қошиқ яхшилаб майдаланган мўррисафий аралаштирилади ва қоришма тугагунча оч қоринга кунига 2 марта 1 ош қошиғидан ичилади. Бу муолажа ҳар 6 ойда бир марта такрорланади.

10 гр сано + 5 гр хантал уруғи + 5 гр қоразира + 5 гр арпабодийен + 5 гр кашнич уруғи + 15 гр мушмула ёки зайтун барги + 10 гр седана + 20 гр лаванда қориштирилиб, майдаланади, элакдан ўтказилади ва қоришма тугагунча эрталаб-кечқурун бир чой қошиқ кўк чой ёки сув билан истеъмол қилинади. Мазкур муолажа 3-4 ойда бир марта такрорланади.

Эрталаб-кечқурун бир чой қошиқ янги майдаланган седана + 20 мг. ари сути + озгина табиий асал билан қориштирилади ва оч қоринга оғизда эритилиб ичилади. Бу муолажа 1-2 ой давомида қилинади. У безларни тозалаб, уларнинг мувозанатли ишлашишини таъминлайди.

Қичитки ўти уруғи, маймунжон барги, ўкса ўти (Viscum album-омела бела) алоҳида-алоҳида майдаланиб, элакдан ўтказилади. Кейин бир чой қошиқ қичитки ўти уруғи + 1/2 чой қошиқ маймунжон барги + 1/4 чой қошиқ ўкса ўти аралаштирилади ва эрталаб-кечқурун сув билан ичилади. Бу муолажа 4 ҳафта давомида қилинади.

Очлик қила олмаганлар учун мева ва сабзавот сувларининг рўйхати:

Ҳар бири ўз мавсумида қўлланилиши шарт билан

100 гр пиёз суви + 150 гр қарам суви

+ 50 гр сув қоришмаси,

100 гр пиёз суви + 150 гр тоза

сиқилган қичитки ўти суви + 50 гр сув қоришмаси,

150 гр сабзи суви + 50 гр қизил лавлаги суви + бир ош қошиқ петрушка суви + бир ош қошиқ селдир барги суви + сув қоришмаси,

150 гр исмалок суви + 50 гр қизил лавлаги суви + бир ош қошиқ петрушка суви + бир ош қошиқ селдир барги суви + сув қоришмаси,

100 гр исмалок суви + 100 гр қизил лавлаги суви + бир ош қошиқ петрушка суви + сув қоришмаси,

200 гр семизўти суви + бир ош қошиқ петрушка суви + сув қоришмаси,

Данаклари (уруғлари) ва бироз қобиғи билан бирга сиқилган тарвуз суви, лимон суви + грейфрут суви + олма суви + сув қоришмаси.

Бу қоришмалардан бири ёки ҳар сафар бошқаси кунига 1,5-3 литр қилиб, кун давомида очикқанда ичилади.

Ингичка ичкада глюкоза сингиши озайишининг, қондаги шакар миқдори ошишининг олдини олгани учун ҳар кун бир ховуч қовирилмаган, тузланмаган писта истеъмол қилиш ҳам фойдалидир.

Ҳар ёз ва қишда, ойда бир ёки уч ойда бир елкалар, бел ва думғаза хожамот қилинади; ҳар баҳор ёки кузда анус, икки ҳафтадан кейин энса чуқурининг пастига 11 дона зулук қўйилади.

**ТИРОИД БЕЗИ КАСАЛЛИКЛАРИ****Бўқоқ**

Тироид безининг меъеридан катта бўлишига “бўқоқ” дейилади. Тироиднинг катталашини дифуз, бир ёки бирдан қўп нодул(гурра)ли бўлиши мумкин.

Бўқоқнинг дифуз катталашуви бўқоқ функцияси бузилганини кўрсатмайди, аксинча, бўқоқ катталашувининг кўпида функционал бузилиш йўқ.

Тироид безининг меъеридан ортик ишлаши (Гипертироидизм)

Бу ҳолатда тироид беzi меъеридан ортик гормон ишлаб чиқаради. Иштаха кучаяди, қўрқув, безовталиқ, асабийлик, рухий саросима, юрак зарбларининг тезлашуви, вазн йўқотиш кўзга ташланади.

Гипертироидизмнинг сабаби моддийдан қўпроқ маънавийдир.

Муолажа намозларни тартибга солиб, тасбех айтиш ва Қуръони Каримни ўқишни йўлга қўйгач, бошланади.

Душанба ва пайшанба кунлари ҳафтада икки кун 36 соатлик очлик қилиш ва овқатланишда зарарли одатларни тарк этиш зарур.

Бу рўза 4 ҳафта мобайнида давом этгач, 3 кунлик очлик бошланади.

3 кунлик очлик 7 кунлик танаффуслар билан 7 марта такрорланади.

1-чи очликдан сўнг жигар тозланади. (“Жигарни тозалаш, 3-чи кун” бўлимига қаранг).

**ОЙДИН СОЛИХ**

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан  
(Давоми келгуси сонда)

“Эркин Юрт” интернет-газетаси  
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt  
Мустақил манбааларнинг  
маълумотларидан фойдаланилди.

Масъул муҳаррир  
**Қамолддин Йўлдош**